

«Башарият тарихи ва тажрибаси шуни кўрсатадики, қаерда мактаб-маориф масаласи жамиятнинг доимий эътибор марказида турса, қайси халқ, қайси миллат ёш авлод тарбияси устида узоқни кўзлаб тинимсиз иш олиб борса, шу юртнинг фарзандлари элнинг чинакам ғурури ва ифтихорига айланади».

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA



• 2006-yil • 30-sentabr • Shanba • 116 (27.608) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

ЎЗБЕКISTON ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

УСТОЗЛАРГА ЭЪТИРОМ

Устоз отангдек улуғ, деган нақдда халқимизнинг ўқитувчи ва мураббийларга бўлган самимий эътирми намоян. Истиқлол йилларида бу шарафли ва масъулиятли касб соҳибларини эъзозлаш, улар меҳнатини қадрлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

маслаҳатчиси Х. Султонов ўкиб эшиттирди.

Тантанали йиғилишда Президент Ислам Каримов раҳнаомлигида мамлакатимизда ёш авлоднинг пухта билими, мустақил фикри, қомил шахс бўлиб вояга етиши йўлида барча имконият ва шароит мўҳайё этилаётгани алоҳида таъкидланди. Бу борада «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умулмиллий дастури муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётган.

Ушбу ҳужжатларнинг ҳаётга татбиқ этилиши самараси ўлароқ, юртимизда минглаб янги мактаблар қад ростлади, эътибор талаблари қайта реконструкция қилиниб, капитал ва жорий таъмирдан чиқарилди.

(Давоми 2-бетда)

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида 1 октябрь — ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан бўлиб ўтган тантанали йиғилишга узоқ йиллардан буюн таълим соҳасида самарали меҳнат қилган фахрий ўқитувчилар, ўзининг изланувчанлиги ва ташаббускорлиги билан эл назарига тушган ёш педагоглар, жонқуяр мураббийлар, моҳир педагоглар, кенг жамоатчилик вакиллари тақдир этилди.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг Ўзбекистон ўқитувчилари ва мураббийларига табригини Президентнинг Давлат

Муҳтарам муаллим ва мураббийлар! Қадрли устозлар!

Авваламбор, ўз ҳаётини ёш авлод тарбиясидек заҳматли ва эзгу ишга бағишлаган сиз, азизларни — меҳри дарё, фидойи ва саховатли инсонларни бугунги табаррук айём — ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этишдан бахтиёрман.

Мана, ўн йилдирки, юртимизда ушбу кутлуғ сана — 1 октябрь кунини умумхалқ байрами сифатида катта тантана билан кенг нишонлаш яхши бир анъанага айланиб қолди. Бу байрам аввало ўзининг билим ва тажрибаси, истеъдод ва маҳорати, инсоний фазилатларини, кўз нури ва қалб кўри, бутун борлигини аямасдан, маърифат йўлида беминнат хизмат қиладиган устоз ва мураббийларимизга нисбатан халқимизнинг азалий хурмат-эътиромининг яққол намунаси.

Бу ҳақда гапирганда, табиийки, ҳар биримиз — қаерда, қандай касбу кор, қандай лавозимда ишлашимиздан қатъи назар, ҳар қайсимизнинг ҳаётимизда ўчмас из қолдирган мактаб бағрида кечган беғубор ёшлик йилларимизни энг ширин дамлар сифатида эслаймиз, бизга нафақат билим, айни пайтда одамийлик илмидан сабоқ берган устозлар олдида самимий хурмат-эътиром туйғусини яна бир қарра ҳис этамиз.

Шу маънода, маърифатпарвар болларимизнинг фикрини давом эттириб, агарки дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир, десак, ўйламанки, айни ҳақиқатни айтган бўлаемиз.

Чиндан ҳам, ўқитувчи наинки синф хонасига файз ва зиё олиб қирадиган, балки минг-минглаб мурғак қалбларга эзгулик ёғдусини бахш этадиган, ўз ўқувчиларига ҳақиқатан ҳам ҳаёт мактабини берадиган мўътабар зотдир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, она тилимизда «мактаб кўрган», «мактаб яратган» деган чуқур маъноли ибораларнинг мавжудлиги ҳам бу муқаддас даргоҳнинг, заҳматкаш ўқитувчи меҳнатининг давлат ва жамият ҳаётида қанчалик муҳим ўрин тутушидан далолат беради.

Башарият тарихи ва тажрибаси шуни кўрсатадики, қаерда мактаб-маориф масаласи жамиятнинг доимий эътибор марказида турса, қайси халқ, қайси

миллат ёш авлод тарбияси устида узоқни кўзлаб тинимсиз иш олиб борса, шу юртнинг фарзандлари элнинг чинакам ғурури ва ифтихорига айланади.

Мамлакатимизда азиз ўғил-қизларимизнинг икболи ва истиқболини ўйлаб ҳаётга жорий этилаётган, халқаро миқёсда эътироф қилинаётган ислохот ва улкан дастурларимиз — янги-янги замонавий мактаблар, лицей ва коллежлар барпо этиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ёш авлодимизнинг дунёда ҳеч қимдан кам бўлмасдан, ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етиши учун шарт-шароит яратиш, ўқитувчи ва мураббийларнинг машаққатли меҳнатини, кадр-қимматини жойига қўйиш ва уларни муносиб рағбатлантириш бўйича амалга ошираётган кенг қўламли ишларимиз бугунги кунда ўз ҳосили ва самарасини бераётгани барчамизни қувонтиради.

Айниқса, кейинги йилларда «Мактабга эътибор — келажакка эътибор» деган олижаноб шиор юртимизда кенг тарқалиб, устувор давлат сиёсати ва умумхалқ ҳаракати сифатида ҳаётда ўзининг амалий аксини топмоқда.

Истиқлолимизнинг ўтган ўн беш йили давомида, тили, дини ва миллатидан қатъи назар, шу табаррук заминимизда истиқомат қилаётган одамларнинг онгу тафаккури тубдан ўзгаргани, уларнинг қалбида шу азиз Ватан меники, унинг бугунги ва эртанги кунини учун мен масъулман, деган дахлдорлик туйғусининг тобора кучайиб бораётгани биз бугун кураётган жамиятнинг энг мустаҳкам пойдеворидир.

Ҳеч шубҳасиз, айни мана шундай фикрлашни шакллантиришда, фарзандларимизни ўз мустақил фикрига эга, она юртига садоқатли, фидойи, хушёр ва сезгир инсонлар этиб тарбиялашда астойдил меҳнат қиладиган барча муаллим ва мураббийларнинг бекиёс ҳиссаси борлигини халқимиз, жамоатчилигимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Азизларим, қадрдонларим! Сизларни кутлуғ байрамингиз билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сизга-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Қалбларингизни ишонч, эзгулик ва маърифат нури ҳеч қачон тарк этмасин, азиз устозлар!

Ислам КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ЎЗХДП ЭЪТИБОРИДА, ЭЪЗОЗИДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўқитувчи-мураббийларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатларини ҳимоялашга астойдил бел болаган. Негаки, партия ўсиб келаётган ёш авлодни соғлом, билимли, ватанпарвар қилиб тарбияловчи ўқитувчиларни ўзининг таянч бўғини деб ҳисоблайди ва бу партиянинг янги Дастурида ҳам ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон ХДПнинг ўқитувчи-мураббийларни ўз электорати деб эълон қилишининг боиси нима? Сабаби оддий — таълимсиз келажак йўқ. Таълимни эса ўқитувчилар беришади. Шундай экан, улар ҳаммиша эътиборда бўлиши, эъзозланиши ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояланиши зарур.

Айни пайтда партиямиз аъзолари орасида ўқитувчилар сафи кенгайиб бормоқда. Бу олижаноб касб эгаларининг ХДПга аъзо бўлишга эътиборини бежиз эмас. Чунки, улар мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий партиялар орасида фақат ЎЗХДП уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ифодалаш ва ҳимоя қилишини чуқур англаб етмоқдалар.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги ХДП фракцияси республика Халқ таълими вазири билан ҳамкорликда мактаб таълимида ислохотлар самарадорлигини ошириш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича қатор тадбирларни ўтказиб келмоқда. Жойларда ҳам партия маҳаллий кенгашлари ва вазириликнинг бошқарма, бўлимлари ўртасидаги ҳамкорлик тобора ривожланиб бормоқда.

Мақсад — мамлакатимизда амалга оширилаётган улуғвор ишларда ўқитувчилар билан бирга қадам ташлаш, юксак маънавият авлодни тарбиялашда бор имкониятлардан фойдаланиб эзгу мақсадларга эришишдир. Бу йўлда эса партия ўқитувчи-мураббийларга суянади, ўқитувчилар эса ХДПга ишонади.

Алижон АБДУРАҲМОНОВ

Пойтахтимизда ўтган «InfoCom-2006» — Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги (АКТ) соҳасини тақомиллаштиришга қаратилган қатор тадбирларни ўз ичига олди. Ҳафталик доирасида ахборот-коммуникация технологиялари бўйича миллий саммит бўлиб ўтди. Республика «Ўзқўрғазмасавдо» савдо-ярмарка марказида очилган Ахборот технологиялари бўйича биринчи миллий кўргазма — «ICTExpo-2006»да ҳам бизнес-жамоатчилик ва ҳукумат

органи вакиллари, ҳам аҳолининг кенг қатламлари учун мўлжалланган ахборот-коммуникация технологиялари базасидаги мавжуд ва истиқболли хизмат турлари намойиш этилди. Унда миллий ва хорижий АТ компаниялари, телекоммуникация жиҳозларини етказиб берувчи корхоналар, илмий институтлар ва таълим масканлари, вазириликлар ва идоралар вакиллари қатнашди. Кўргазма дастуридан илмий-техник анжуманлар, «давра суҳбатлари», тақдиротлар, соҳадаги сўнгги ютуқларни амалга ошириш юзасидан ўзаро тақриб алоқалар кенг ўрин олди. Чунки, кўргазма иштирокчиларидан бири — «Alcatel» компанияси томонидан ОАВ ходимлари учун ўтказилган «давра суҳбати» «Кенг қўламли тармоқ технологиялари бугун ва кеча: UMTS ва Mobile WiMAX» мавзусига бағишланди.

Шубҳасиз, «ICTExpo-2006» кўргазмаси ахборот-технологиялари соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга ва амалий алоқаларни йўлга қўйишга катта ҳисса қўшади.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK
SIZNING MANFAATINGIZ — BIZNING MAJBURIYATIMIZ!
Tel.: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05, факс: 133-34-26
www.uzpsb.uz e-mail: info@uzpsb.uz
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKIDORGA HANMOK!
Tel.: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshbmn.uz E-mail: info@tshbmn.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари
Сизнинг муваффақиятингиз учун!
ПАХТА БАНК — ФАРОВОНЛИГИНГIZ КАЛИТИДИР
Хизматлар лицензияланган



Суратда: Навоий вилояти Кармана туманидаги Зайниддиновлар сулоласи. (Напдан) II даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳиби, 15-мактаб ўқитувчиси Шуҳрат Зайниддинов, тумандаги академик лицей ўқитувчиси Лола, 15-мактаб ўқитувчиси Баҳора, академик лицей ўқитувчиси Шоира, туман халқ таълими бўлими услубият хонаси мудир Дилбар Зайниддиновалар.

(Давоми 2-бетда)

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ҲАФТАЛИГИ:

МИЛЛИЙ САММИТ, КЎРГАЗМА, АНЖУМАН

Пойтахтимизда ўтган «InfoCom-2006» — Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги (АКТ) соҳасини тақомиллаштиришга қаратилган қатор тадбирларни ўз ичига олди. Ҳафталик доирасида ахборот-коммуникация технологиялари бўйича миллий саммит бўлиб ўтди. Республика «Ўзқўрғазмасавдо» савдо-ярмарка марказида очилган Ахборот технологиялари бўйича биринчи миллий кўргазма — «ICTExpo-2006»да ҳам бизнес-жамоатчилик ва ҳукумат

органи вакиллари, ҳам аҳолининг кенг қатламлари учун мўлжалланган ахборот-коммуникация технологиялари базасидаги мавжуд ва истиқболли хизмат турлари намойиш этилди. Унда миллий ва хорижий АТ компаниялари, телекоммуникация жиҳозларини етказиб берувчи корхоналар, илмий институтлар ва таълим масканлари, вазириликлар ва идоралар вакиллари қатнашди. Кўргазма дастуридан илмий-техник анжуманлар, «давра суҳбатлари», тақдиротлар, соҳадаги сўнгги ютуқларни

амалга ошириш юзасидан ўзаро тақриб алоқалар кенг ўрин олди. Чунки, кўргазма иштирокчиларидан бири — «Alcatel» компанияси томонидан ОАВ ходимлари учун ўтказилган «давра суҳбати» «Кенг қўламли тармоқ технологиялари бугун ва кеча: UMTS ва Mobile WiMAX» мавзусига бағишланди.

Шубҳасиз, «ICTExpo-2006» кўргазмаси ахборот-технологиялари соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга ва амалий алоқаларни йўлга қўйишга катта ҳисса қўшади.

Алишер РЎЗИЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимизда таълим-тарбия тизimini такомиллаштириш, кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, халқимизнинг маданияти ва маънавиятини юксалтириш, ёш авлодни ватанпарварлик ва миллий истиқлол гоҳларига садоқат руҳида тарбиялаш орқали Ватанимиз мустақиллиги, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ишига қўшган муносиб ҳиссаси, кўп йиллик фидокорона хизматлари учун куйидагилар мукофотлансин:

«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Зайнуллоев Шухрат Иброҳимович — Кармана туманидаги 15-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Каримов Холмурот — Эллиққалъа туманидаги 30-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Белова Вера Алексеевна — Миробод туманидаги 110-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Бўрибеков Анвархўжа Баҳобович — Қибрай туманидаги 4-мактабнинг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Ембергенова Тарахона Айтмуратова — Шуманай туманидаги 1-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Эшмуродова Мавлуда Маматовна — Қамаш туманидаги 4-мактабнинг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Қурбонова Қиларнон Авазона — Коровулбозор туманидаги 3-мактабнинг директорининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари, Бўхоро вилояти

Маматқуллов Эргашали — Балиқчи туманидаги 11-мактабнинг меҳнат таълими ўқитувчиси, Андижон вилояти

Муллабоев Шухратжон Мамажонович — Тўрақўрган туманидаги 10-болалар ва ўсмирлар спорт мактабнинг кураш бўйича мураббийи, Наманган вилояти

Ражапова Рўзигул Жуманазаровна — Янгиарик туманидаги 39-ихтисослашган мактабнинг кимё-биология фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Раҳимов Қомилжон Абдурахимович — Фаргона давлат университети қишлоғида академик лицейнинг физика фани ўқитувчиси

Усанов Абдумалик Абдураимович — Бандихон туманидаги 18-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Холбоева Махсат — Мирзачўл туманидаги 8-мактабнинг физика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Йўлдошева Гулчехра Нарзуллаевна — Бобўт туманидаги 29-мактабнинг амалиётчи психологи, Сирдарё вилояти

Қобиллов Қутли — Қизилтепа туманидаги 27-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Хубимов Абдосид — Қўшрабат туманидаги 10-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Ёш авлодни маънавий етук ва жисмонан соғлом қилиб камол топтириш ишига қўшган уқан ҳиссаси, уларга билим ва тарбия бериш йўлидаги ибратли фойдали ва халқ таълими тизимидеги кўп йиллик самарали меҳнати учун куйидагилар мукофотлансин:

II ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Бўриев Абдурашид Тилоович — Яқкабоғ туманидаги 37-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Қаймонова Фозилат Камоловна — 1-мехрибонлик уйи тарбиячиси, Навоий вилояти

Каримова Марҳаб Давронова — Когон шаҳридаги 4-мактаб директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари, Бўхоро вилояти

Турдалиева Маликахон Ғиёсидинова — Бўз туманидаги 55-ихтисослашган мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, Андижон вилояти

Худойқулова Муқаддам Қурбоннова — Покент туманидаги 7-мактабнинг таълим муассасаси тарбиячиси, Тошкент вилояти

Юртимизда тинчлик ва товуқлик, миллатлараро дўстлик, ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, жамиятда меҳр-оқибат ва бағрикенглик гоҳларини қарор топтириш, иқтидорли ёшларнинг истеъдодини рўйбга чиқариш, уларни Ватанимизнинг муносиб фарзандлари, ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялаш йўлидаги намунали хизмати ҳамда мамлакатимиз обрў-эътиборини юксалтиришдаги ҳиссаси учун куйидагилар мукофотлансин:

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Бобоназарова Фазилла Қодировна — Пахтакор туманидаги 4-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Ломухина Валентина Ивановна — Мирзо Улуғбек туманидаги 210-мактаб директори, Тошкент шаҳри

Маххамов Аҳмаджон Мўминович — Бағдод туманидаги 11-мактабнинг француз тили фани ўқитувчиси, Фаргона вилояти

Михайлова Людмила Вениаминовна — Самарқанд шаҳридаги 61-максус мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Ортиқов Ғанижон Раҳматуллаевич — Чортоқ туманидаги 1-мактаб директори, Наманган вилояти

Раззоқова Адиба Абдусалимовна — Навбахор туманидаги 11-мактабнинг немис тили фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Сарибаева Бахитли Жоллибаевна — Кегейли туманидаги 9-мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Тожибоев Ўқтамжон Ўранбоевич — Тошкент шаҳридаги ўқув-тарбия тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари

Турсунова Қосима Маххамовна — 15-мехрибонлик уйи тарбиячиси, Тошкент вилояти

Холиқова Зулхумор Абдувоҳидовна — Сирдарё туманидаги 13-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси

Ҳафизова Венера Махмудовна — Пахтабод тумани халқ таълими бўлими услубчиси, Андижон вилояти

Худойбердиев Анвар — Қасби туманидаги 13-мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Хусанова Рохат Жалоловна — Урганч маънавий хизмат касб-ҳунар коллежи директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, Хоразм вилояти

Шопулатов Зиёдулла Эшқуллович — Ангор туманидаги 8-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Ҳафизова Чинни Абдурахмоновна — Қорақўл туманидаги 15-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, Бўхоро вилояти

Ёш авлодни ўз Ватани ва халқига муҳаббат, миллий истиқлолга юксак садоқат, миллий ва умумбаътарий қадриятлар уйғунлиги руҳида тарбиялаш, таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни жорий этишда эришган муваффақиятлари учун куйидагилар мукофотлансин:

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдурахборова Буврона Абдурахмоновна — Гулистон туманидаги 1-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Абдуллаев Сафар — Ғиждубон туманидаги 63-ихтисослашган мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Бўхоро вилояти

Абдурахмонова Раъноҳон Абдуқокиевна — Оқолтин туманидаги 2-мактабнинг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Аббосқонова Каримахон Хожихонова — Косонсой туманидаги 8-мактабнинг биология фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Алимбетова Мария Умироқовна — Тахтақўпир туманидаги 16-мактабнинг қозоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Алимжон Хусанали — Жалолқудуқ туманидаги 50-ихтисослашган мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Алимов Абдхамид Каримович — Деҳқонбод туманидаги 89-ихтисослашган мактабнинг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Астафурова Наталья Константиновна — Янгиер шаҳар ўсмирлар ижодий маркази директори, Сирдарё вилояти

Аҳмадалиев Абдуманноп Ғофуржонович — Асака туманидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабнинг бокс бўйича мураббийи, Андижон вилояти

Бахромова Асал — Нишон туманидаги 2-мактаб директори, Қашқадарё вилояти

Ғафоров Ҳабидулло Иброҳимович — Қувасой шаҳридаги 14-мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси, Фаргона вилояти

Девонов Рустам — Қизилқум туманидаги 1-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Жанабоева Майрамгуль Кушеронова — Пешку туманидаги 24-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, Бўхоро вилояти

Жуманова Гавҳар Аҳматовна — Бўстонқўл туманидаги 125-максус мактаб-интернатининг меҳнат таълими ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Дўстмуродова Майра — Зафаробод туманидаги 10-мактабнинг физика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Ешқаблова Гулбаҳар Қудайбергеновна — Қўнғирот туманидаги 34-ихтисослашган мактабнинг кимё фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Зайнуллоев Насриддин Нажимиддинович — Бувайда туманидаги 24-мактабнинг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Фаргона вилояти

Иброҳимова Миनावар Шамсиевна — Каттақўрган туманидаги 16-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Исҳоқов Маҳаммад Мамазулонович — Марҳамат туманидаги 31-ихтисослашган мактабнинг тарих фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Қобилова Машқура Аброровна — Уртачирчиқ туманидаги 10-мактабига таълим муассасаси тарбиячиси, Тошкент вилояти

Қалибекова Каттича — Қораўзақ туманидаги 8-мактабнинг физика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Каримов Абдулло Абдурахмонович — Шахрисабз туманидаги ўқувчи ёшлар техник ижодиёт марказининг авиамодельчилар тўғраги раҳбари, Қашқадарё вилояти

Кенжаев Баҳодир Уролович — Гурлан туманидаги 41-ихтисослашган мактабнинг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Керимбаев Жумабай — Амударё туманидаги 17-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Қўзиёва Санобар Нурмаматовна — Пахтачи туманидаги 6-мактабнинг кимё фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Мавлонов Мусурмон Хуррамович — Тайлоқ туманидаги 24-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Мамажонова Баҳридилхон Эргашевна — Қўрғонтепа туманидаги 41-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Мамажонова Санобар Қомилловна — Избоскан туманидаги 25-мактабига таълим муассасаси тарбиячиси, Андижон вилояти

Марахматов Икромжон Абдурахимович — Тошлоқ туманидаги 1-ихтисослашган мактабнинг физика фани ўқитувчиси, Фаргона вилояти

Матқубова Шарофат Абдушариповна — Қўшқўпир туманидаги 35-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Мирзаева Фароғат Латифовна — Асака шаҳридаги 24-ихтисослашган мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Мирзаева Гулчехра Шерқулловна — Қарши шаҳридаги 2-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Муқимов Раҳмат Исматович — Самарқанд туманидаги 21-мактабнинг тожик тили ва адабиёти фани ўқитувчиси

Назарова Махбуба Қосимовна — Ромитан туманидаги 29-мактабнинг меҳнат таълими ўқитувчиси, Бўхоро вилояти

Назарова Зулайҳо Туробовна — 6-мехрибонлик уйи тарбиячиси, Самарқанд вилояти

Номозов Элмурод Қудратович — Ғузор туманидаги 76-ихтисослашган мактаб директори, Қашқадарё вилояти

Наризова Иба Қўшжановна — Қонимех туманидаги 5-мактаб директори, Навоий вилояти

Никитина Лариса Викторовна — Ҳамза туманидаги 145-мактаб директорининг бошланғич синфлари бўйича ўринбосари, Тошкент шаҳри

Новикова Ирина Евгеньевна — 23-мехрибонлик уйи тарбиячиси, Тошкент шаҳри

Отабоева Гулдоним Ҳакимбоевна — Хонқа туманидаги 40-мактабнинг немис тили фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Пармонова Мусаллам Жумақулловна — Учқудуқ шаҳридаги 7-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, Навоий вилояти

Пирнязова Токташ Сариева — Қанлиқўл туманидаги 4-мактабнинг кимё-биология фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Сайфудинова Раъно Шариповна — Республика ёш сەяхатчилар ва ўлкашунослар марказининг зардушлик санъати тўғраги раҳбари

Султонова Насиба Мухаммаджоновна — Поп туманидаги 23-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Султонова Қумрихон Алламбоевна — Республика Таълим маркази таҳририят-синф ишларини ташкил этиш бўлимининг бош услубчиси

Тўраева Мақсуда Отамуродовна — Учтепа туманидаги 245-мактабнинг информатика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Турдалиев Музаффар Шамшиддинович — Фаргона шаҳридаги республика ҳарбий лицейи тарбиячиси — гуруҳ командири

Тўйчиев Одижон Умаралиевич — Оқунбобоев туманидаги 11-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, Фаргона вилояти

Узақбаева Роза Сарсеновна — 1-мехрибонлик уйи бошланғич синф ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Умаров Аҳмад — Бойсун туманидаги 1-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Усмонова Анара Эшмурод қизи — Зарафшон шаҳридаги 13-мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Усмонова Шозода Ёрматовна — Иштихон туманидаги 20-мактабнинг география фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Ҳегай Александр Дмитриевич — Қўйичирчиқ туманидаги 11-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Ҳошимов Ўқтам — Жиззах шаҳридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийи

Худойбокова Дилором Усмоновна — Оққўрган туманидаги 6-мактабнинг физика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Худойназарова Ҳадича Болтабоевна — Фалларол туманидаги 3-ихтисослашган мактабнинг биология фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Хусанова Чўлпоной Набиевна — Мингбулоқ туманидаги ихтисослашган мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Шокирова Мақсуда — Риштон туманидаги 29-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Фаргона вилояти

Эсонова Тожиниса Махановна — Ангрен шаҳридаги 5-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Эшазарова Хурсанд — Узун туманидаги 14-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Эшонжонов Жамолддин Қосимжўраевич — Сўх туманидаги 2-ихтисослашган мактабнинг физика фани ўқитувчиси, Фаргона вилояти

Юсупов Давронбек Раҳмонович — Ҳазорасп туманидаги 1-ихтисослашган мактабнинг физика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Юлдашева Файзижон Араповна — Нурин туманидаги 20-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, Наманган вилояти

Едгоров Дилором Тўлағановна — Сирқали туманидаги 104-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Ёқубова Бийроной Ҳакимжоновна — 12-мехрибонлик уйи тарбиячиси, Фаргона вилояти

Қаландарова Муборак Дурдибоевна — Олот туманидаги 31-ихтисослашган мактабнинг физика фани ўқитувчиси, Бўхоро вилояти

Қариева Ханифа Абдусаломовна — Шўрчи туманидаги 42-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Қосимов Исам Жўраевич — Арнасай туманидаги 11-мактабнинг физика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Кулмаматова Гулжаҳон Абдурахмоновна — Музработ туманидаги 14-мактабнинг биология фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Қурбоназаров Чори — Термиз туманидаги 15-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти


АЗИЗ УСТОЗЛАР, МУАЛЛИМЛИК ҚАСБИНИ УЛУҒЛАЁТГАНЛАР

Вера ПАК, Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Хивадаги 20-Мехрибонлик уйи директори, ХДП фаоли:



— Бугун мамлакатимизда Президентимиз бошчилигида таълим тизимига жуда катта эътибор берилмоқда. Юртимиз шаҳарларидан тортиб, қишлоқларига энг замонавий коллежу лицейлар, мактаблар барпо этилмоқда. Эскилари таъмирланмоқда, энг сўнгги русумдаги жиҳозлар билан таъминланмоқда. Бундан муаллимлар, айниқса, ота-оналар жуда хурсанд бўлишмоқда. Эндиги асосий вазифамиз Ўзбекистон келажаги бўлиши ёшларни соғлом фикрли қилиб тарбиялаш, уларга мустақил ҳаётда ўз ўрнига эга бўлишда яқиндан қўллаб-қувватлашдир. Мен ҳаётнинг оғир-енглини кўрган бир аёл, ўқитувчи сифатида шуни айтманки, мактабга, муаллимга ҳеч қайси замонда бу қадар катта эътибор берилмаган. Бугун Президентимиз, халқимиз ўқитувчи-мураббийларни бошига кўтариб ардоқламоқда. Уларни маънавий, моддий қўллаб-қувватламоқда.

Лутфи ЮНУСОВА, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси, Тошкент шаҳридаги 106-заиф эшитувчи болалар махсус мактаб-интернати бошланғич синф ўқитувчиси:



— Ушбу мактабда дастлаб тарбиячи бўлиб иш бошлаганман. Сўнг, болаларга бундан ҳам кўпроқ фойда тегсин, деб Тошкент давлат педагогика университетига ўқишга кирганман. «Ўзбекистон халқ ўқитувчиси» унвонини менга ҳукуматимиз томонидан берилган юксак мукофот деб биламан. Мукофотни Президентимизнинг ўз қўлирандан олгандим. Шунда мен «беқорга хизмат қилмаган эканман», деган хулосага келдим. Уша пайт тўғриси, қилган меҳнатимдан гурурланиб, фахрланиб кетдим. Мустақиллик тўғрисидаги ўқитувчининг меҳнати қадрланмоқда, эътироф этилмоқда. Бунга жавобан биз янада сидқидилдан ишлашимиз керак.

Лола БОЛТАЕВА, Тошкент шаҳридаги 273-ўрта мактаб география фани ўқитувчиси, «2006 йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танлови гоялиби:



— Бугунги кун ўқитувчиси энг аввало, ўқувчига меҳр бера олиши, шунинг билан бирга ўз билимини мунтазам ошириб бориши керак. Хозирги замон ўқувчилари жуда зийрак, эъқо, талабчан. Шунинг учун ҳамкасбларим фақат дарслик доирасида чегараланиб қолмасдан доимий равишда изланишлари, ўқувчини мавзуга жалб қила олишлари зарур. Байрамимиз арафасида «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» деган шарафли номга сазовор бўлдим. Бу албатта меннинг зиммамга жуда катта масъулият оқлайди. Менинг асосий максимим ўқувчиларига билим бериш, уларни етук инсонлар бўлиб етишишига муносиб ҳисса қўшишдир. Баъзан ота-оналар олдимга келиб «фарзандим география ўқитувчиси бўлмайти, у бошқа соҳани эгаллаши керак» деб айтишади. Бола эса «фақат географ бўлман» дейди. Ўқувчиларимни фанимга қизиқтира олаётганимдан хурсанд бўлман. Менга шунинг ўзи катта бахт.

УСТОЗЛАРГА ЭҲТИРОМ



(Давоми. Боши 1-бетда)

Таълим мазмунини сифат ва мазмун жиҳатидан янги поғонага кўтариш мақсадида илм масканларини замонавий ўқув-лаборатория ва компьютер жиҳозлари билан таъминлаш, давлат таълим стандартларини тақомиллаштириш асосида ўқув дастур ва режаларини, адабиётларини янгилашга алоҳида эътибор қаратилмайтир. Шу билан бирга ўқитувчилик касбининг аҳамияти ва нуфузини юқори кўтариш бўйича аниқ мақсадга қаратилган ишлар изчиллик билан рўйбга чиқарилмоқда, педагогларнинг турмуш шароитини яхшилашга йўналтирилган кенг миқёсдаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

қилаётган, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол гоҳларига садоқат руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшаётган ўқитувчи, мураббий ва педагогларнинг катта гуруҳи давлатимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирландилар.

МАШАҚҚАТЛИ МЕХНАТИНГИЗ РОХАТИНИ КЎРИШ ҲАР БИРИНГИЗГА НАСИБ ЭТСИН!

● Ҳаёт йўлида биринчи масала мактаб масаласидир

ХАЛҚ ТАЪЛИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ЭНГ ЧЕККА ҚИШЛОҚЛАРИДА ҲАМ ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРМОҚДА

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида келажак авлод таълим-тарбиясига, таълим тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, кенг қўланилаётган амалга оширилди. Буларнинг ҳаётидаги илҳомли ўлароқ бугун мактабларимиз қиёфаси тубдан ўзгарди, янги замон билим масканлари бўлган лицей-коллежлар ташкил этилди. Бундай улкан ўзгаришлар нафақат катта шаҳарлар, балки энг чекка туман марказларида, қолаверса, қишлоқларда ҳам амалга оширилмоқда. Бугун олис чегара ҳудуди бўлган тоғли қишлоқларда ҳам замонавий, барча қўлайликларга эга мактаблар, мактабгача таълим муассасалари, лицей-коллежлар қурилган бўлиб, уларда мамлакатимиз умиди бўлган истиқлол фарзандлари камол топмоқда. Улар миллион ва миллиардлар эвазига қад рўстлаган мактабларда замонавий жиҳозланган кенг, ёруғ синфхоналарда таълим олиб, энг сўнгги русумдаги ўқув қуроллари, компьютер техникаларидан, мухтасар қилиб айтганда, энг олий, энг азиз неъмат бўлган истиқлол имкониятларидан баҳраманд бўлмоқдалар.

Сўх. Пидиргон — туманинг энг олис қишлоқларидан бири. Тепасида залворли қоялар турадиган қишлоқ марказидаги мактаб биноси узокдан дарҳол кўзга ташланади. 440 нафардан ортқ ўқувчи таълим оладиган ушбу билим маскани шу йил капитал таъмирдан чиқарилди. Қўшимча бинолар қурилди. Катта маблағ эвазига замонавий ҳалқа келтирилган бу мактабда таълим-тарбия ишлари намунавий йўлга қўйилган. Шу йилнинг ўзида мактабга замонавий, қўрган кўзни қувватлаган турли мебеллар, ўқув жиҳозлари келтирилди.

Туман марказидаги 1-сонли мактаб ўқувчиси Шерзод Назирбоевнинг вилоят миқёсида тил ва адабиёт фанидан ўтказилган олимпиадада биринчи ўринни эгаллагани ҳам марказдан олисдаги бу туманда ўқув-тарбия ишлари юқори даражада олиб борилаётганидан далolat беради. Кези келганда шуни айтиш керакки, худди шу мактабни бошдан оёқ таъмирлаш ишларига 375 миллион сўм сарфланди. Салкам 40 миллион сўмлик стол-стул, компьютерлар олинди. Физика, химия, биология кабинетлари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

— Туманимиз мактабларида таълим тожик тилида олиб бо-

рилади, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Воҳиджон Акрабоев. — Лекин дарсликлар, ўқув қўлланмалари, бошқа жиҳозлар билан таъминлашда зорикқанимиз йўқ. Ҳукуматимиз ёш авлод таълим-тарбияси учун маблағларни аямаяпти. Шу йилнинг ўзида кичик бир туманимиз мактаблари таъмирига 546 миллион сўмликка яқин маблағ сарфланди. Шунингдек, тумандаги 7-умумий ўрта таълим мактаби Япония гранти соҳибдори бўлиб, 50 миң АҚШ доллари миқдоридagi ўқув қуроллари ва мебелларни қўлга киритди. 5, 12-мактаблар эса Осие Тараққиёт банки ҳисобидан таъмирланиб, ўқув жиҳозлари билан таъминланди.

Сариосиё Ўзун туманлари вилоят марказидан 200-250 километр олисда жойлашган. Мазкур чегара ҳудудларида ҳар томонлама баркамол инсонларни тарбиялаш ишлари алоҳида эътибор қаратилган. Замонавий мактабгача тарбия муассасалари, мактаблар, коллежлар ўқувчилар иштирокида. Бир сўз билан айтганда, илм даргоҳларининг моддий-техника имкониятларини ошириш, ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникалари ҳамда адабиётлар билан таъминлаш, му-

аллимлар меҳнатини рағбатлантиришга тўғри ёндашилмоқда.

— 2005-2006 ўқув йилида 11 та мактабда жорий ва капитал таъмирлаш, шунингдек, реконструкция ишлари амалга оширилди. — дейди Сариосиё туман халқ таълими бўлими мудири Аҳмад Бобоев.

Туманда 72 та умумий ўрта таълим мактаби, 33 та мактабгача ва 5 та мактабдан ташқари таълим муассасалари мавжуд бўлиб, уларда 38 миңдан кўпроқ ўқувчи 3 миң нафардан ортқ ўқувчилар таълим-тарбия бермоқда.

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастуридан келиб чиқиб Охунбобоев номли ширкат ҳўжалиги «Кенгузар» қишлоғидаги 14-умумий ўрта таълим мактаби учун янги ўқув биносини қуриб берди. 180 ўринга мўлжалланган мазкур мактабга 123 миллион сўм маблағ сарфланган. Ўтган йиллар давомида «Сўфиён», «Сариосиё» ва бошқа фермерлар уюшмаларида ҳам янги мактаблар қад ростлади.

— Туманимиздаги 65 та умумий ўрта таълим мактабининг 14 таси Боботоғ ва Хонжизада жойлашган, — дейди Ўзун тумани ҳокими Абдувоҳид Турдиев. — Мазкур тоғли ҳудудлар туман марказидан 100-120 километр олисда... Шунга қарамай, у ердаги мактаблар ўқувчилари ҳеч нарсасига зорикмасдан янгидан қурилган, тўлиқ таъмирланган кенг, шинама мактаб биноларида ўқини бошлашди. 11-, 14-, 23-, 24-, 49-мактабларга замонавий меъбел, ўқув лаборатория асбоблари, янги русумдаги компьютерлар, қўргазмалар қурилди, ўқув ва бадий адабиётлар етказиб берилди.

Фориш туманининг тоғли Сафарота қишлоғида истиқомат қилувчи ота-оналар, ўқитувчи ва ўқувчилар янги мактаб ҳақида гуруҳ билан биз орзу қилган мактаб қурилди демоқдалар, — дейди 17-умумтаълим мактаби директори Учқун РАҲИМОВ. — Тўғри, қишлоғимизда олдин

ҳам умумтаълим мактаби бор эди. Аммо, бир пайтлари гувадан қурилган лойсувоқли эски бино тўқилиб қолган, ундан фойдаланишда ҳам муаммолар кўпайиб бораётганди. Мамлакатимизда мактаб таълими тўғрисидаги умумий давлат дастури қабул қилингандан сўнг қишлоғимизда янги мактаб қуриладиган бўлди.

Очиги, шунда ҳам биз — ўқитувчилар, ота-оналар олис тоғлар бағрида жойлашган Сафаротада шундай шинама, замонавий, мухташам мактаб барпо этилади, деб ҳаёлимизга келтирмагандик. Лекин ҳукуматимизнинг келажакимиз эгалари — ёшларга бўлган эътибори, ғамхўрлиги туфайли қисқа вақт ичида ҳавас қилгулик мактаб биноси қуриб битказилди.

Бугун қишлоғимиз болалари ҳеч қайси шаҳардаги илм масканларидан қолшмайдиган ажойиб бинода таълим-тарбия олишапти. Кенг, ёруғ, озода синфхоналари, фан кабинетлари, спорт зали бор, янги, қулай, пишк жиҳозлар билан таъминланган мактаб калитини қурувчилардан қабул қилиб олар эканми, қалбимиз шундайин болажон, маърифатга, маънавиятга илҳомланд юрда яшаётганимиздан гуруҳ ва фахр хатларига тўлиб-тошди, «Ниҳоят, биз орзу қилгандай мактаб бўлибди» деган хулосага келдик.

Корақул — вилоятнинг энг чекка ҳудуди ҳисобланган туманимизда кейинги йилларда соҳада олиб борилаётган ислотлар самараси яққол буй кўрсатаётди, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Рўзиқул НИЁЗОВ. — Биргина таълим масканларининг шакли-шамойили ҳақида гап кетса, қўйолатдан ерга қарар кетди. Қўримсиз, мослаштирилган биноларда аранг дарс ўтган ҳаммасабларимиз, қишда эти увишиб машғулота мударетган ўқувчиларни қўп кузатардик. Эндичи?

Бугун тумандаги 48 та умумтаълим мактаби, битта аниқ ва

табий фанларга йўналтирилган интернат-мактаби, миллий кураш бўйича спорт интернат-мактаби, 40 та мактабгача таълим муассасаси, 5 та мактабдан ташқари таълим муассасаси ҳамда 3 та спорт мактабидagi ахвол тубдан яхшиланиган барчани қувонтиради. Мустақиллик шарофати билан 8 та мактаб қайта қурилди. Қўлаб мактаб бинолари реконструкция қилинди.

Бу ўринда ҳомийлар ҳиссасини алоҳида таъкидлаш керак. Биргина ўтган ўқув йилида ҳомийлар томонидан туман мактабларига 139,1 миллион сўмлик амалий ёрдам кўрсатилди. Бугун туманда ёш иқтидорлар жуда кўп. Уларнинг аксарияти 1-ихтисослаштирилган мактаб ҳиссасига тўри келаяпти. Қўп йиллардан бунён бу мактаб ўқувчилари мамлакат номидан жаҳон олимпиадаларида қатнашиб келишмоқда. Жорий йилда ҳам Словакиянинг Любляна шаҳрида ўтказилган фан олимпиадасида қатнашган 4 нафар ўқувчидан 2 нафари бронза медали, 2 нафари эса диплом билан тақдирланди. Бунда эса Ўзбекистон халқ ўқитувчиси, «Эл-юрт ҳурмати» ордени нишондори, мактаб директори Тўхтамурод Жумаев ҳамда қатор устозларнинг катта хизматлари бор.

— Яна бир гап: Вилоятда фанлар чуқур ўргатиладиган 25 дан ортқ мактаб бор. Аммо, Т.Жумаевнинг мактабига тенг келадигани йўқ, — дейди ЎзХДП туман кенгаши раиси Файзулла Бобоев. — Республикада ўтказилган 4-тур олимпиадада мазкур мактаб ўқувчиларидан 5 нафари диплом олди. Буларнинг барчаси туманда таълим соҳасига, келажак авлод таълим-тарбиясига кўрсатилаётган эътибор намунаси.

Алишер ИБОДИНОВ, Абдувалик ҲАЙДОРОВ, Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, Даврон БАҲРОНОВ

Маҳмуд ТОИР, Ўзбекистон халқ шоири, ЎзХДП фаоли



— Ўқитувчи ҳаёт боғидаги, умр боғидаги боғбон. Ота-она фарзандини едириб, ичириб, кийдириб камолга етказди. Ота-онанинг ҳаёлида, энг аввало, фарзанднинг жисмоний камоли туради. Ўқитувчи эса, унинг онгига чироқ ёқди, қўнғига маърифат олиб кирди. Улғайиб, ўзини таниган, ўзлигини билган ҳар қандай инсон биринчи муаллимни ҳақда ўйлаганда, кўз ўнгида беихтиёр ота-онаси каби меҳрибон ва улғу сиймони кўради. Дунёни ахтариб ўқувчим, шогирдим ёмон бўлсин, деган устозни топиш амри маҳол. Чунки ҳар қандай устоз бу дунёда ўқувчиси, шогирди қалбига яхшилик уруғини экади. Қалбига зўғулик юз очиб турган, қўп урган ишдан савоб ва гўзаллик ахтарган фарзандлар ота-онаси кўксини ҳам, устози кўксини ҳам сарбалаб қилади. Ўқитувчи, мураббийлари уйғоқ миллатнинг болалари мудраб юрмайди. Шўқрим, бугун мустақил Ўзбекистон ёшлари ота-боболари баланд кўтарган маърифат байроғини қўлларидан туширганлари йўқ.

Мен бир ижодкор шогирд сифатида илк бор қўлимга қалам тутказиб, сабоқ ўргатган, қалбимда маърифат ва ҳақиқат чирогини ёққан меҳрибон устоз.

— Биринчи ўқитувчи инсоннинг болалигида ҳарф танитган мўътабар зот бўлади. Ҳар бир даврнинг ўз ўқитувчиси, мураббийи бор. Мен ҳам қўллар қатори 1977 йилда, 7 ёшимда уйимизга яқин бўлган Шайхонтоҳур туманидаги 157-ўрта мактабнинг 1-синфига борганман. Уша даврлар хотирамда бошқача бўлиб муҳрланиб қолган. Биринчи ўқитувчим Маҳбуба опа, 5-синфдан бошлаб синф раҳбаримиз Гўлнора опа, директоримиз раҳматли Каромат опа бўлганлар.

Копток тепиб, деразаларни синдириб кўядим, футболга бориб дарсларни қўп қолдирардим. Бунинг учун ўқитувчиларимдан уэр сўрайман. Улардан бир умр

ШОГИРДЛАР ДИЛ СЎЗЛАРИ

ларимга ҳамиша таъзим қиламан. Дунёдан ўтиб кетганларнинг эса жойлари жаннатдан бўлсин. Бугун кексалик гаштини сураётганларини зиёрат қилишни, дуоларини олишни ҳўш кўраман. Эеро, устозларимиз оталаримиз каби улғу, оналаримиз каби дарёдил ва меҳрибон экан, уларнинг олдида биз шогирдлар доимо қарздоримиз.

Миржалол ҚОСИМОВ, Ўсимирал Ўртасида жаҳон чемпиони, Ёшлар ўртасида Европа чемпиони, XII Осие ўйинлари голиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси, Ўзбекистон ифтихори фахрий унвони соҳиби:



— Дунёда шундай табарруқ зот борки, унинг номини устоз, деб аташди. Ким бўлишимиздан қатъи назар, ҳар биримизнинг ўз муаллимимиз, биринчи ўқитувчимиз бор. Базми бир одамлар ўзининг икки нафар фарзандини тарбиялаб, йўлга солишолмайди. Ўқитувчилар эса мингмиглаб ўқувчиларга таълим-тарбия беради. Мана шундан ҳам улар меҳнатининг машаққатли залворли эканлигини билиб ола билади. Қанийди, имконият бўлса, мен устоз-мураббийларнинг ҳар бирининг сабр-матонатлари, меҳнатлари шарафига олтиндан ҳайкал ясаган бўлардим.

Ўқитувчиларим билан тез-тез учрашамиз, уларнинг сўхбатларидан баҳраманд бўлишга ошқанман. Фурсаддан фойдаланиб, барча устоз-мураббийларни, шулар қатори биринчи муаллимим Ерқўни Буттаевани касб байрамлари билан табриқлайман.

Жасур ҲУСАНОВ ёзиб олди.

қарздорман. Яқинлашиб келаятган байрамлари билан мени ўқитган ўқитувчиларимни, юртимиздаги барча мураббийларни табриқлайман. Узок умр кўриб, доимо соғ-саломат бўлишини, хонадонларига тинчлик-хотиржамлик тилайман.

Шўқрат КАЮМОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:



— Биринчи ўқитувчи инсоннинг болалигида ҳарф танитган мўътабар зот бўлади. Ҳар бир даврнинг ўз ўқитувчиси, мураббийи бор. Мен ҳам қўллар қатори 1977 йилда, 7 ёшимда уйимизга яқин бўлган Шайхонтоҳур туманидаги 157-ўрта мактабнинг 1-синфига борганман. Уша даврлар хотирамда бошқача бўлиб муҳрланиб қолган. Биринчи ўқитувчим Маҳбуба опа, 5-синфдан бошлаб синф раҳбаримиз Гўлнора опа, директоримиз раҳматли Каромат опа бўлганлар.

Копток тепиб, деразаларни синдириб кўядим, футболга бориб дарсларни қўп қолдирардим. Бунинг учун ўқитувчиларимдан уэр сўрайман. Улардан бир умр

Жасур ҲУСАНОВ ёзиб олди.

ҲАҚИҚАТЛАР САНДИГИДАН

- Устоз тумандек улғу.
- Устозни қўрсанг отдан туш.
- Устоз қандай бўлса, унинг шогирдлари ҳам ўзига ўхшаш бўлади.
- Устоз тағи шогирдга қаттиқ ботмайди.
- Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар.
- Билмдон шогирд устознинг юзи.
- Офтоб ёруғи билан азиз, устоз билими билан.
- Отдан той ўзади, устоздан шогирд.
- Устоз улғурмаган ишни шогирд тугатар.

Тўловчи: Юнус ЗИЁДОВ

ЎҚИТУВЧИ-МУРАББИЙЛАР СУЛОЛАСИ



Миразқўл туманидаги Файзулла Ҳороқовлар сулоласини бугун вилоят ақли яқши танийди, ҳурмат қилади. Чунки бу оила аъзоларининг барчаси ўқитувчилик касбини ардоқлаб келишмоқда.

— 37 йилдан бери таълим тизимини ишлайман, — дейди Файзулла Ҳороқов. — Тумандаги 5-ўрта мактабга эса 29 йилдан бунён раҳбарлик қилиб келмоқдаман. Ишда ҳам, уйда ҳам таълим-тарбия ҳақида сўз борганлиги учунми ёки бошқа сабабданми фарзандларимнинг олти нафари менинг касбимни эгаллашган.

— Оилавий муҳит ва қизиқарли тўфайли ўқитувчилик касбини эгаллаганман, — дейди Файзулла Ҳороқовнинг қизи Ноҳира. — Тўғриси, бошқа касб танлаш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаган эканман. 11 йилдан бери мактабда дарс берман, бирор марта ҳам афсусланмаганман.

Файзулла муаллимнинг қўп йиллик меҳнати ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. У «Шўқрат» медали соҳиби. Бугун чинакам зиели оила — Ҳороқовлар сулоласининг давомчилари вояга етмоқда. Набиралар ҳам бобосининг ишини давом эттиришмоқчи.

«Фанда кенг ва раван йўл йўқ. Кимки унинг қақир тиканакли ўнқир-чўнқир сўқмоқларидан ўта олсагина орзу-мақсадларига эришади». Бу ҳикमत Наманган давлат педагогика институтининг (ҳозирги НамДУ) асосий ўқув биносига қираверишда ёзиб қўйилганди. Бизнинг қаҳрамонимиз, Ҳороқов туманидаги 31-ўрта мактаб она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Дилором Ҳолмирзаева илк бор олийгоҳ остонасига қадам қўйганидаёқ мана шу сўзларни ўқиган эди. Орзулари бир олам қизнинг шуруғи бугун маънавияти билан нақшланган бу калом хали-хануз уни олдинга чорлайди. Унинг қарийб 25 йиллик ўқитувчилик фаолияти миллат тақдирига дахлдор эврилишлар, янгилашш ва ўзгаришлар билан уйғун. Мустабид туман сиёсатининг қишлоқ муаллимларида таҳдиди нечоғли эканини Дилором муаллима шундай эслайди.

— Пахта яққақожимлиги даврининг авж палласи эди, — дейди у. — 8-синфда ўқидик. Пахта даққидан олдин дарслар ҳисобидан олинган ёзма ишларни текшириш бетоб домлаимизни анчайин толиқтириб қўйгандики, буну у бировага, айниқса, иқтидорли ўқувчиларига айтгани ботинолмасди. Аълочилигим, қолаверса, баҳолаш меъёрларидан хабардорлигим учун адабиёт ўқитувчиси Одижон Уринбоев мени ёрдамга чақирди. Бундан фахрланиб кетдим. У кишининг эътибори туфайли бошқа ўқитувчиларнинг ҳам мени нисбатан ишончи ортди. 9-синф ўқувчиси бўла туриб келолмай қолган устозларим ўрнига дарс ўта бошладим.

— Математика ўқитувчиси, раҳматли устозимиз Мирзақамол ака қизи Дилоромга болалиги-данок «менинг касбимни эгаллайди» деб бошқача кўз билан қаради, — дейди 31-ўрта мактаб директори Ортиқмашра Ибрагимов. — Қишлоққа ўқитувчи бўлиб келаятгандаёқ, унга ада-

ЮРАҚДАГИ ҲАЛОВАТ

тада қолдирилган дарслар ҳисобидан олинган ёзма ишларни текшириш бетоб домлаимизни анчайин толиқтириб қўйгандики, буну у бировага, айниқса, иқтидорли ўқувчиларига айтгани ботинолмасди. Аълочилигим, қолаверса, баҳолаш меъёрларидан хабардорлигим учун адабиёт ўқитувчиси Одижон Уринбоев мени ёрдамга чақирди. Бундан фахрланиб кетдим. У кишининг эътибори туфайли бошқа ўқитувчиларнинг ҳам мени нисбатан ишончи ортди. 9-синф ўқувчиси бўла туриб келолмай қолган устозларим ўрнига дарс ўта бошладим.

— Математика ўқитувчиси, раҳматли устозимиз Мирзақамол ака қизи Дилоромга болалиги-данок «менинг касбимни эгаллайди» деб бошқача кўз билан қаради, — дейди 31-ўрта мактаб директори Ортиқмашра Ибрагимов. — Қишлоққа ўқитувчи бўлиб келаятгандаёқ, унга ада-

биётшунос олим Тожибой Ҳозибоев ва профессор Одижон Носиров катта ишонч билдиришганди. Бугун интилишлар туфайли у Халқ таълими вазирлигининг «Халқ таълими аълочилиги» кўрақ нишонин билан тақдирланди, чин маънодаги зиёлига айланди.

— Бугунги шиддаткор даврда ҳар бир муаллим биринчи ўринда ўз ўрнини, жамият олдидаги бурчини унутмаслиги керак. Масалан, ҳамюртимиз шохмат бўйича жаҳон чемпиони Руслан Қосимжоновнинг ғалабасини эртасига ўқувчиларимга у ҳақда яқиндан маълумот бердим, — дейди Дилором Ҳолмирзаева. — Чунки шунақанги янгиликлар орқали ўқувчиларда Ватанга нисбатан меҳр-мухаббатни уйғотиш мумкин. Ўзбекистоннинг дунёда давлатлари билан қилаётган алоқалари тўғрисида 45 дақиқалик дарс давомида ҳеч бўлмаганда

икки дақиқасига миллий истиқлол гоёси ҳақида гапирмасдан уни ўқувчи онгда шакллантириб бўлмайди. Бу тарих ўқитувчисининг иши деб қўндалик воқеаларни четлаб ўтиш, менимча, мантқиққа тўғри келмайди. Унинг ўз устида ишлаш дафтарида битикларда эса ютуқлари шундай қайд этилган: «Дастлабки муваффақиятим: ўқувчиларимга халқ озаки ижоди намуналаридан саралаб, қўшиқлар ўргатдим. Махсус таклифнома билан мактабга қишлоқ фаолиридан, ота-оналардан, илғорлардан вақиллар чорлаб, тадбир ўтказдим. Тез орада янги тўғарак очдим. Қўнқирқот театрига қизиқмаган, ундан таъсирланмаган киши қолмади. «Маънавият — қалбим қўёши» мавзусидаги адабий-бадий композициям вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш институти томонидан оммалаштирилди. 1997 йилда ўқувчилар билан яқна тар-

тибда ишлов самардорлигига амалий эришдим. 9, 10, 11-синфлардан олимпиадага тайёрлаган ўқувчиларимнинг ҳар учаласи ҳам туман ва вилоятда биринчи ўринни эгаллашди. Шу тариқа республика босқинчи ҳам муваффақиятларга эришдик. Бошқа касбни танлаганлар ўз йўлига, ўз фаним бўйича ҳозиргача сақик нафар мутахассис кадр тайёрланди. Буну фахр билан айта оламан...»

«Меҳр берсанг, меҳр қўрасан», «Ўқувчига рағбатли муҳит керак...» Булар Дилором Ҳолмирзаевага отаси Мирзақамол аканинг ёзиб қолдирган эсдаликларидан. У ана шу ҳикमतларга доим амал қилади.

— Одамнинг юрағида ҳаловат бўлсин. Агар киши виждон сўроқларига ҳолис жавоб беришда қийналмаса, юракка энг улғу ҳаловат инади. Мен мана шу қондага амал қиламан...
Носиржон ДЕКҚОНОВ

1997 йил 29 август. «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»-ги ва «Таълим тўғрисида»-ги Қонунлар қабул қилинди.
1997 йил 6 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»-ги Фармони эълон қилинди.
1998 йил 5 январь. «Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни тақомиллаштириш тўғрисида» Вазирлар Маҳкамаси қарори чиқди.
1998 йил 5 январь. Вазирлар Маҳкамасининг «Узлуксиз таълим

тизимини учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида»-ги қарори эълон қилинди.
1998 йил 24 февраль. Вазирлар Маҳкамаси «Академик лицейлар ва касб-хўнар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида» қарор қабул қилди.
1998 йил 11 май. Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилди.
2000 йил 28 январь. Ўзбекистон Президентининг «Тошкент давлат уни-

верситетига «Ўзбекистон Миллий университети» маконини бериш тўғрисида»-ги Фармони эълон қилинди.
2002 йил 7 август. Президентимизнинг «2002 йил 1 сентябридан бошлаб ўқитувчилар ва ўқув юртли муаллимларининг, илмий ходимларнинг иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида»-ги Фармони эълон қилинди.
2003 йил 29 октябрь. Вазирлар Маҳкамасининг «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хўнар таълимга изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарори қабул қилинди.

2004 йил 21 май. Мамлакат раҳбарининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумий миллий дастури тўғрисида»-ги Фармони эълон қилинди.
2004 йил 15 июль. Вазирлар Маҳкамаси «Ўқитувчилар меҳнатини қўшимча рағбатлантиришга доир эксперимент ўтказиш ва халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашининг тармоқ севтасига ўтиш тўғрисида» қарор қабул қилди.
2004 йил 5 август. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини тақомиллаштириш тўғрисида»-ги қарори чиқди.

2004 йил 29 август. Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилди.
2004 йил 22 ноябрь. Вазирлар Маҳкамасининг «2005-2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар наشر этиш дастури тўғрисида»-ги қарори эълон қилинди.

2005 йил 28 ноябрь. Президентимизнинг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини тақомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори қабул қилинди.
2006 йил 28 сентябрь. «Ўқитувчилар ва мураббийлар кўни муносабати билан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимини амалда ўрнат қўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.

Саҳифани Зайниддин МАМАДАЛИЕВ, Маъмуржон МАХМУД, Шавкат АКРАМОВ (фото) тайёрлашди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари ҳамда Қонунчилик ва суд ҳуқуқ масалалари кўмиталари қўша мажлисида Адлия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитаси, Савдо-санoат палатаси ҳамда Давлат солиқ кўмитасининг янги қорхоналарни рўйхатдан ўтказиш ва бизнесни ташкил этишда хабар қилиш тизимига ўтиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш билан боғлиқ фаолияти натижалари муҳокама қилинди.

Номлари юқорида кўрсатилган идораларнинг ўша йўналишдаги фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006

йил 10 февралдаги 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги «Тadbиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида»ги ПҚ-357-сонли Қарорида белгиланган вазифалар нуктаи назаридан танқидий таҳлил қилинди.

Сенат кўмиталарининг қўша мажлисида ўша идоралар раҳбарларининг ахбороти тингланди. Ахборотда рўйхатга олувчи тузилмалар-

нинг моддий-техника базасини кўздан кечириш, уларни зарур бинолар, компьютер техникаси, ахборот материаллари билан таъминлаш, солиқ тўловчиларнинг идентификация рақамларини бериш ҳақидаги тегишли талабномаларини қабул қилиш ҳамда ушбу ахборотни рўйхатга олувчи идораларга узатиш учун туманлар (шаҳарлар)нинг давлат солиқ инспекциялари билан рўйхатга олувчи идоралар ўртасида электрон почта алоқасини ташкил этиш, минтақаларда аҳолини ҳамда тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ходимларини жалб этган ҳолда Тadbиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби

тўғрисидаги низомни тушунтириш юзасидан семинарлар ўтказиш борасида муайян ишлар қилинганлиги қайд этилди.

Шу билан бир қаторда сенаторлар ўтказилган семинарларда ва оммавий ахборот воситаларида, айниқса минтақаларда бу масалалар юзасидан тушунтириш ишларининг самардорлигини ошириш зарурлигини таъкидладилар. Жойларда кўпчи тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини афзалликлар ва ҳусусиятларини билишмайди. Қўйилган вазифаларни бажариши техника ва кадрлар билан таъминлаш даражаси тadbиркорлик субъектларини давлат

рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш мuddатлари ва мазмунига тўла мос келмайди, бундай тартибни олисдаги тоғли туманлар ҳамда қишлоқларда жорий этиш имкониятлари ўрганилмаган.


Муҳокама яқунлари бўйича бу соҳада қонунга амал қилишни тақомиллаштириш юзасидан тегишли ишлар чикилди.

Қўша мажлисида давлат бошқарув идоралари ва нoдавлат муассасаларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассислари, экспертлар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

БМТ

Жанубий Кореянинг ташқи ишлар вазирлиги Пан Ги Мун БМТ бош қотиби лавозими учун ўтказила-



ётган рейтинг сайловининг учинчи турида ҳам галаба қозонди. Унинг номзоди учун БМТ Хавфсизлик Кенгашига аъзо 15 та мамлакатдан 13 таси овоз берди. Иккинчи ўринни саккизта овоз олишга муваффақ бўлган Ҳиндистон вакили Шашӣ Тарур эгаллади.

БМТни 1997 йилдан бери бошқариб келаётган Кофи Аннан шу йилнинг охирида лавозимини тарк этиши кутилмоқда.

Душанба кунига режалаштирилган сайловнинг кейинги турида Хавфсизлик Кенгашининг беш доимий аъзосига (Буюк Британия, Хитой, Россия, АҚШ ва Франция) рағли бюллетен, доимий бўлмаган аъзоларга эса оқ бюллетень берилди. Шу йўл би-



лан ХҚда veto ҳуқуқига эга бўлган беш доимий аъзонинг барчаси қўллаб-қувватлайдиган номзодни аниқлашмоқчи.

Мутахассислар фикрига кўра, БМТнинг бу сафарги бош қотиби Осиедан бўлади. Чунки бу лавозимда ротация минтақавий принципга асосан ўтказилиши керак.

ПОЛЬША

Польша Сейми маршали Марек Юрек ҳукумат истеъфоси ва парламентнинг қуйи палатасини тарқатиб юборишни хал қилиш учун Сеймнинг факулдада йиғилиши ўтказилмаслигини маълум қилди.

Навбатдан ташқари йиғилиш ўтказишни «Футуро платформаси», «Чап демократик кучлари» ва «Ўз-ўзини мудофаа қилиш» партиялари талаб қилишганди. Йиғилишда партиялар ҳукуматга ишонсизлик билдириб, Сеймни тарқатиб юбориш ҳақида овоз беришмоқчи эди. Бу эса парламент сайловлари навбатдан ташқари ўтказилиши керак дегани.

Сийёсий инқирозга Польшанинг энг йирик телеканалларидан биридаги «Ҳозир биз» кўрсатувида яширин камера билан суратга олинган лавҳанинг эфирга узатилиши сабаб бўлди. Унда

бош вазирнинг сийёсий маҳкамаси бошлиғи Адам Липинский «Ўз-ўзини мудофаа қилиш» партияси вакили, депутат Рената Бегерга қишлоқ ҳужалиғи вазири ўринбосари лавозимини эгаллашни, бунинг эвазига эса унинг қарзлари бюджет ҳисобидан ёпилишини айтиди. Бегер «Ўз-ўзини мудофаа қилиш» партиясидан кетиб, бош вазир Ярослав Качинский бошчилигидаги «Ҳуқуқ ва адолат» партиясига ўтиши керак бўлган. Рената Бегернинг ўзи «журналистлар фитниси»да иштирок этишга розилик билдирган.

Польшада ҳукумат тепасида бўлган коалиция тарқалиб кетган. «Ҳуқуқ ва адолат» партиясининг етакчи сийёсатчилари бошқа фракцияларга тегишли бўлган Сейм депутатларини ўз томонига олдирган бўлган. Бу ҳаракатлар ҳукуматга ишонч бора-сидидаги сайловда ғолибликни кўлга киритиш мақсадида амалга оширилган экан.

ТАИЛАНД

Таиланднинг «The Nation» газетаси хабар беришича, Таиланднинг муваққат янги бош вазир этиб қирол ҳузурдаги махфий кенгаш аъзоси, куруқликдаги қўшинлар собиқ бош қўмондони, истеъфодаги генерал Сурайуд Чуланот тайинланди.

«Демократик ислохотлар кенгаши» (ДИК) қатнашчилари Чуланот Таиланд бош вазир лавозимини эгаллаш мумкин бўлган энг муносиб номзод эканлигига ишонч ҳосил қилишди.

Бундан биров олдин ДИК етакчиси Сонтхи Буньяраткалин бош вазирликка номзод танланаётганда ҳарбий бўлмаган шахсларга устулик берилишини айтиш

билан бирга, муваққат маъмуриятнинг раҳбари этиб истеъфодаги ҳарбий ҳам тайинланиши мумкинлигини билдирганди.

Муваққат бош вазир номзоди тасдиқлаш учун қирол Пумипон Адудьедетга жўнатилди.

Эслайти ўтамиз: 19 сентябрдан 20 сентябрга ўтар кечаси Бангкогда ҳарбий тўнтариш рўй берди ва мамлакат бош вазир Таксин Чанават эгаллаб турган лавозимидан четлаштирилди. Орадан бир неча кун ўтган, қирол Пумипон Адудьедет кўзғолончилар етакчиси Сонтхи Буньяраткалинни ДИК раҳбари сифатида тайинлади. У айна пайтда бош вазир вазифасини бажариб турибди.

Тўнтаришдан кейин Таиланднинг ҳарбий ҳукумати муваққат конституцияни ишлаб чиқиб, ҳарбий бўлмаган шахсни бош вазир этиб тайинлашни ваъда беришганди. Янги бош вазир қиролликни бир йилча бошқаради. Бу вақт ичиде эса янги конституция ишлаб чиқилиб, қабул қилинади. Сайлов 2007 йилнинг октябр ойига режалаштирилган.



ФАОЛЛИК САРИ ҚЎЙИЛГАН ҚАДАМЛАР

ИЖОБИЙ САМАРА БЕРИШИ АНИҚ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бухоро вилоят кенгаши Қоракўл туманида ўзининг сайёр йиғилишини ўтказиши айрим партиядошларимиз учун қутлимган воқеа бўлди. Чунки, яқин йиллар ичиде бундай сайёр йиғилишлар таомилдан чиққанди. Ўз қрбигида юрган ва юқоридан топшириқ қутишга ўрганган туман партия кенгашилар бу йиғилишни эшитиб, анча ҳушёр тортишди. Ҳўш, олис туманда сайёр йиғилиш ўтказишга нима туртки бўлди?

— Тўғриси, — дейди вилоят партия кенгаши раиси Саида Жўраева, — бундай йўл тутишимизни даврининг ўзи тақозо этиди. Сабаби — айрим туманлардаги партия ҳаёти ҳисоботлардагидек жим-жимадор эмас. Бунинг устига туман кенгаши раислари ўз ҳамкасблари иш тажрибасидан ҳаммишар ҳам хабардор бўлолмайдилар. Ахир, кўз билан кўрганга не етсин?

Дарҳақиқат, сайёр йиғилиш кун тартиби ҳам обдон қўриб чиқилди. Ундан 55-Човли сайлов округидан халқ депутатлари вилоят Кенгашига ўзХДПдан

депутат Абдурахмон Абдуллаевнинг ХДП сайловолди дастурини ҳаётга тадбиқ этиш борасидаги ахбороти, ХДП туман кенгашининг бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини ошириш борасидаги иш-тажрибаси каби долзарб масалалар ўрин олди.

Дастлаб, йиғилиш иштирокчилари туман МТП ҳиссадорлик жамияти, «Иттифоқ» маҳалла фуқаролар йиғини бошланғич партия ташкилотлари ҳаёти билан кенг танишдилар. Партия электорати — ўқитувчи, шифокор, кам таъминланган оилалар аъзолари қизиқтирган масалалар билан ўртоқлашдилар. Кўпчилик партия ташкилотларида аъзоларни қайта рўйхатдан ўтказиш яқини ва сафдошларимизга янги билетлар топширилиши билан қизиқдилар.

Шуни таъкидлаш керакки, туман партия кенгаши ҳисобиде 3176 нафар аъзо бўлган. Қайта рўйхатдан ўтказиш жараёнида эса 1581 нафар партия аъзоси йўқотилган. Шунинг ўзи туманда партия аъзолари билан мустаҳкам алоқа йўқлигини кўрсатмайдими? Партияга янги аъзолар қабул

қилиш ҳам мақтанарли деб бўлмади, дейилди йиғилишда. Шу йилнинг июнь-июль ойлариде бор-йўғи 18 киши партия аъзолигига қабул қилинган. Энди ўйлаб қўринг, ярим йилда сони 1581 нафарга қамайиб, икки ярим йил давомида атиги 149 кишини ўз сафига жалб қила олган туман партия ташкилотининг эртанги кунини қандай тасаввур қилиш мумкин? Фаолият кўрсатиб келаётган 43 та бошланғич партия ташкилотининг ҳаммасида ҳам иш қонирлиги эмас. Партия юқори органлари қабул қилган қарорлар ижро учун ўз вақтида бошланғич ташкилотларга етказилмаётган. Демакки, партияимиз жорий ва стратегик сийёсатидан олдин аъзолар беҳабар қолмоқдалар. Партияга хайрихоҳ бўлганларга турли сабабларга биноан гувоҳномалар ўз вақтида топширилмаётганлигини қандай изохлаш мумкин? Аъзолик бадалларини йиғишда аниқ ҳисоб-китоб қилинмайдими. Шу сабабли туман партия кенгаши оғир молиявий аҳолини бошқариш қиримқоқда.

Сайёр йиғилишда ХДП туман

кенгашининг бошланғич ташкилотлар билан олиб бораётган иши талаб даражасида эмаслиги қайд этилиб, бу масала қайта ўрганилиб, аниқ чоралар қўриш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда депутат «Қоракўл» ширкат ҳўжалиғи бошқаруви раиси А.АБДУЛЛАЕВ депутатлик фаолияти ҳақида ҳисобот берди. Таъкидланганлик, депутат аввало партия аъзоси сифатида барчага ибрат кўрсатаётган. Партия асосий электорати ҳисобланган халқ таълими ва соғлиқни сақлаш ходимлари, шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари маънавиятларини ҳимоя қилиш борасида бир мунча ишларга қўл урди. У 60 нафар сайловочини қабул қилиб, улар кўтарган масалаларни туман Кенгаши сесияларига олиб чиқди. Бир сўз билан айтганда у сайловчилар ишончини оқламоқда.

Йиғилишда қабул қилинган қарорда барча туман кенгаши эътибори партиядан сайланган депутатлар билан ҳамкорликни яқшилаш чораларини қўриш, улар фаолиятини

маҳаллий оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёриштириб боришга қаратилди.

Биз йиғилиш иштирокчиларининг фикрлари билан қизиқдик.

— Очиғи, — деди ўзХДП Пешку туман кенгаши раиси Эркин ХОЛОВ, — сайёр йиғилиш бундай мурасасиз ўтишни кутмагандик. Кўпчилигимизнинг кўзимиз очилди.

— Партиянинг кучи — аъзолари фаоллиги билан ўлчанади, — деди Қоракўл туманидаги «Иттифоқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳасан САТТОРОВ. — Шундай экан, сафларимизни кенгайтиришимиз даркор. Ўйлайманки, бугунги йиғилиш фаоллик сари дадил қадамга туртки бўлади.

— Шунчалик камчиликларимиз борлигини пайқамангандик, — дейди Қоракўл туман партия кенгаши раиси Файзулла БЕБУТОВ. — Бундан буён партия нуфузини оширишнинг барча чораларини кўраимиз. Бунинг учун бошланғич ташкилотларга, сафдошларимиз орасига кириб бормасак, ХДП дастурий мақсадларига эриша олмаимиз. Вилоят партия кенгашининг янги иш услубини ўзимизда жорий этиб, ҳар бир аъзимизга нисбатан талабчанликни кучайтирамиз.

Даврон БАХРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

«KIMOSHI SAVDOLARI AGENTLIGI»
ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

2006 йил, 29 ноябрь кўнлари соат 11.00да республика Кўшмас мулк биржаси биносида, объектнинг бошланғич баҳоси қадам-қадам ошиши тартибиде ўтказилмайдиган очиқ аукцион савдосига қредиторлар қарорига асосан бошланғич нархи 10%га пасайтирилган ҳолда тақорган:

Тошкент вилояти, Ҳўжалик судининг қарорига асосан савдо тарқиб эътироф этилган Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Ниёзбоши қўрғонига жойлашган «Микрел» масъулияти чекланган жамияти қўша қорхонаси бино, иншоот ва асбоб-ускуналари мулкни мажмуа сифатида қўйилди.

Бошланғич баҳоси — 2 205 839 088 сўм.

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланғичидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдориде зақалат пули тулаши шарт.

Зақалат пули «KIMOSHI SAVDOLARI AGENTLIGI»нинг Ўзбекистон Республикаси Миллий банки Тошкент шаҳар, С.Рахимов бўлимидаги ҳисоб рақамига: 20208000304265383003, КОД-00876, СТРП 204563716 ўтказилади.

Қўшимча маълумотлар учун «KIMOSHI SAVDOLARI AGENTLIGI»га мурожаат қилишнинг ишқини.

Манзиллими: Тошкент шаҳри, С.Рахимов тумани, Қора-Қамиш 2/4 даҳаси, М.Ўрозбоев кўчаси, 1-А-уй, республика Кўшмас мулк биржаси биноси, 2-қават, 207-хона.

Маълумот учун тел/факс: 399-80-23.

Қурилиш ташкилотлари ва қорхоналар раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ҚУРИЛИШИ РЕСПУБЛИКА ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2007 йилда Жиззах вилоятида қурилиши мўлжалланган қуйидаги объект бўйича танлов савдоларида қатнашиш учун қурилиш ташкилотларининг малакасини олдиндан аниқлаш билан очиқ танлов савдоси ўтказилишини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

«Жиззах вилояти, Жиззах давлат педагогика институти қошидаги 900/200 ўринли академик лицейи қурилиши (калити билан)»

Қурилиш ишларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази академик лицейлар қурилиши республика инжиниринг компаниясига ажратилган давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Дастлабки малакани олдиндан аниқлаш танлов савдоларида иштирок этишдан ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак:

— ишлаб чиқариш базаси, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга, ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибага эга бўлишлари, шу вақтгача ўз кучи билан бажарган ҳамда танлов савдосига қўйилган объектда ўз кучи билан бажаришни режалаштирган ишлар ҳажми тўғрисида маълумот (фоиз ҳисобиде) беришлари ва 2004-2006 йилларда ўз кучи билан 1000 млн. сўмдан кам бўлмаган пудрат ишларини бажарган бўлишлари керак.

Қайта ташкил этиш (булиниш, бирлашиш), тугатилиш ёки банкротлик босқичида бўлган, мулк хатлаб қўйилган талабгорлар ҳамда таъсис этиш актлари, молиявий иштирок, ҳолдинг ёки бошқа шаклларида ифода этилган бир-бирига бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий боғлиқ бўлган ташкилотлар танлов савдолари тартиблариде иштирок этишга қўйилмайдилар.

Танлов тақлифларини тайёрлаш ва тақдим этиш учун зарур бўлган ҳужжатлар танлов савдолари иштирокчиси учун қўлланмаларда акс эттирилган.

Қурилиш ташкилотларининг малакасини олдиндан аниқлаш танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини танлов ташкилотчиси — Жиззах вилояти қурилиш танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказидан қуйидаги манзил бўйича олиш мумкин.

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона, соат 9.00 дан 18.00 гача.

Телефон/факс: (8-372) 226-14-66, 226-70-47.

1 пакет ҳужжатларининг нархи — 10 000 сўм.

Малакасини олдиндан аниқлаш танлов ҳужжатлари шартномага асосан ҳақ тўлангандан сўнг берилди. Малакасини олдиндан аниқлаш бўйича топширилган ҳужжатлар қуйидаги манзилда очилади:

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 64-уй (вилоят ҳокимлиги биноси), мажлислар зали.

Танловдан (иккинчи босқич) ўтган офертлар учун танлов II пакет ҳужжатларининг бир тўплами нархи — 50 000 (эллик минг) сўм.

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан соат 9.00 дан 18.00 гача Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хонада қабул қилинади. Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги мuddати — оферталар очилиш кунини ва соати.

Тақлифлар очилиши (иккинчи босқич) матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 64-уй (вилоят ҳокимлиги биноси), мажлислар залида ўтказилади.

Изоҳ: 2007 йил манзилий рўйхат тасдиқлангандан сўнг унга ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Қурилиш ташкилотлари ва қорхоналар раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

2007 йилда Жиззах вилоятида қурилиши мўлжалланган қуйидаги объектлар бўйича танлов савдоларида қатнашиш учун қурилиш ташкилотларининг малакасини олдиндан аниқлаш билан очиқ танлов савдоси ўтказилишини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Зарбдор туманидаги 5-типдаги болалар спорт мажмуаси қурилиши (калити билан).

2. Баҳмал туманидаги спорт иншоотини реконструкция қилиш.

3. Зомин туманидаги спорт иншоотини реконструкция қилиш.

Қурилиш ишларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Жиззах вилояти филиали маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Дастлабки малакани олдиндан аниқлаш танлов савдоларида иштирок этишдан ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак:

— ишлаб чиқариш базаси, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга, ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибага эга бўлишлари, шу вақтгача ўз кучи билан бажарган ҳамда танлов савдосига қўйилган объектда ўз кучи билан бажаришни режалаштирган ишлар ҳажми тўғрисида маълумот (фоиз ҳисобиде) беришлари ва 2004-2006 йилларда ўз кучи билан 500 млн. сўмдан кам бўлмаган пудрат ишларини бажарган бўлишлари керак.

Қайта ташкил этиш (булиниш, бирлашиш), тугатилиш ёки банкротлик босқичида бўлган, мулк хатлаб қўйилган талабгорлар ҳамда таъсис этиш актлари, молиявий иштирок, ҳолдинг ёки бошқа шаклларида ифода этилган бир-бирига бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий боғлиқ бўлган ташкилотлар танлов савдолари тартиблариде иштирок этишга қўйилмайдилар.

Танлов тақлифларини тайёрлаш ва тақдим этиш учун зарур бўлган ҳужжатлар танлов савдолари иштирокчиси учун қўлланмаларда акс эттирилган.

Қурилиш ташкилотларининг малакасини олдиндан аниқлаш танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини танлов ташкилотчиси — Жиззах вилояти қурилиш танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказидан қуйидаги манзил бўйича олиш мумкин.

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона, соат 9.00 дан 18.00 гача.

Телефон/факс: (8-372) 226-14-66, 226-70-47.

1 пакет ҳужжатларининг нархи — 10 000 сўм.

Малакасини олдиндан аниқлаш танлов ҳужжатлари шартномага асосан ҳақ тўлангандан сўнг берилди. Малакасини олдиндан аниқлаш бўйича топширилган ҳужжатлар қуйидаги манзилда очилади:

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 64-уй (вилоят ҳокимлиги биноси), мажлислар зали. Танловдан (иккинчи босқич) ўтган офертлар учун танлов II пакет ҳужжатларининг бир тўплами нархи — 50 000 (эллик минг) сўм.

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан соат 9.00 дан 18.00 гача Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хонада қабул қилинади. Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги мuddати — оферталар очилиш кунини ва соати.

Тақлифлар очилиши (иккинчи босқич) матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 64-уй (вилоят ҳокимлиги биноси), мажлислар залида ўтказилади.

Изоҳ: 2007 йил манзилий рўйхат тасдиқлангандан сўнг унга ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

• Огоҳлик — давр талаби

ГЛОБАЛЛАШУВ, «ДЕМОКРАТИЯ», АХБОРОТ ХУРУЖИ

ЁХУД ЗЎРАВОНЛИК, УМУММИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА МОС КЕЛМАЙДИГАН
ТУШУНЧАЛАР ЭКСПОРТИ, ЁЛҒОН ҲАМДА ТУРЛИ ХИЛ ИФВОЛАР ГИРДОБИ ХУСУСИДА...

«Ҳозирги даврда, халқаро майдонда турли сиёсий манфаатлар тўқнашаётган мураккаб бир шароитда фақат ўз фикри, ўз ҳаётий позициясига эга бўлган халқ ва жамият энгилмас кучга айланиб, ўз келажагини ўз қўли ва ақл-заковати билан қуришга қодир бўлади»

Ислом КАРИМОВ

Хўш, хавф-хатар нима? Хавф-хатар деганда нимани назарда тутаямиз? Сергалва, мураккаб асримизда бизга, юртимизга, миллатимизга, муқаддас истиқлолимизга қандай хавф-хатар хуруж билан ҳисоблашмайдиган гоғлар тарғиботи, жаҳоннинг турли минтақаларида ўз сиёсатини юргизишга уринаётган сиёсий кучларнинг очик-ойдин олиб бораётган сиёсати, керак бўлса, куч ишлатиш, уруш оловини ёқишга уриниш, инфомацион хуружнинг турли хил шакллари билан фойдаланиш дегани. Хавф-хатарнинг тушунарли бўлиши учун, турли хил мусибат ва фожиалар тарқалиши мумкин бўлган объектга қиёслаш мумкин. Масалан, оддий курул Бор нарса. Демак, курул таҳдиднинг, тажовузнинг манбаси. У ишлатилса таҳдидга айланади. Демак, хавф-хатар таҳдиднинг объекти. Манбаси.

Таҳдид — бу реал, потенциал хатти-ҳаракат. Қачонки, хавф-хатар ҳаракатга келиб, кишиларга таъсир қила бошласа, уларнинг ҳаёт тарзи турмуш шароитига зағум ўтказса, таҳдидга айланади. Биз бугунги кунда умумбашариёт ҳаётига таҳдид солаётган тушунчаларни яхши биламиз. «Демократия режиссёрлари» ўйлаб топган ва фақат ўз манфаатлари ҳамда муддаолари йўлида ўзга давлатлар, айниқса, суверенитет, муста-

қил мамлакатларга демократияни экспорт қилиш васвасаси, **ғарбийлаштириш** — **вестернизация** йўлидаги уриниш, **антиглобализм** — диний **экстремизм, демократик фундаментализм, глобал лидерлик стратегияси, халқаро терроризм, гиёҳвандлик савдоси, ахборот хуружи** ва ҳоказо ғайриниссоний қарашлар бугунги кунда жаҳонни ларзага солаётгани ҳеч кимга сир эмас. Энг ёмон томони, бундай таҳдид ва тажовуз ортида турганлар ўз хатти-ҳаракатини ялтироқ гоғлар, дунёга демократияни ёйиш, жаҳон халқларига «бахт-икбол», «эркинлик», «инсон ҳуқуқлари»ни ҳимоя қилишда тушунчаларни қалқон қилиб олишади. Масаланинг яна бир хавфли жиҳати, улар жаҳон афкор оммаси тасавурида ҳозирги глобаллашув жараёнида дунё халқлари орасидан тафовут пардаларини сидириб ташлашга уринишмоқда.

Ўзбекча қилиб айтганда, «хўрознинг ҳамма жойда бир хил қичқиришини» истаётганлар глобаллашув соясидида туриб ўз манфаатларини илгари суришмоқда. Уларнинг наздида барча жабҳалардаги тараққиёт жиловни геғемонликка даввоғарлар қўлида турса.

Энди **глобаллашув** тушунчасига имконимиз даражасида аниқлик киритсак: глобаллашув нима? Тўғри, яхлитлик дунё давлатларининг тараққиёт рийштаси билан мустаҳкам боғлиғи. Илмий тилда изоҳласак, ер қурагини турғун транспорт йўналишлари билан бирлаштириш, миграция

оқимларининг кучайиши, ахборот технологияларининг тараққиёт этиши ва ҳоказо жараёнлар шаклланаётган глобаллашувнинг бошқичларидир. Тўғри, бунинг нимаси ёмон, бунинг бизга қандай салбий таъсири бор, дейишигиз мумкин.

Бироқ, ҳар қандай ҳодиса сингарии глобаллашув ҳам ўзига хос жиҳатларга эга. Масалан, бугунги кунда «урф» бўлаётган гоғлар ва маданиятлар соҳасидаги глобаллашувга диққатингизни қаратмоқчимиз. Айрим тадқиқотчилар дунёвий демократия, сиёсий плюрализм, очик жамият гоғлари ҳозирги давр глобаллашувининг негиздир дейишмоқда. Майли, шундай бўла қолсин. Ўтиришимиз йўқ. Аммо, мамлакатимиз бизнинг тарихий, маданий хусусиятларимизга хосу мос тарзда ўз тараққиёт йўлини белгилаган. Шу йўлда дунёвий демократик давлат қуришни мақсад қилиб олганмиз. Глобаллашув байроғи остида айримлар ўйлаётгани, хоҳлаётгани каби кўр-кўрона ғарбийлаштириш — «вестернизация» сиёсатини қабул қилолмаймиз. Ғарб иқтисодий андазаларини табиатимизга мослай олмаймиз, руҳиятимизга сингиролмаймиз. Бундай андаза-ю асосларни минтақамизда, юртимизда жорий этишга уринаётганлар ўзлик туйғуларини паймол қилиши йўлашади. Бу йўлда «ғарб маданияти»нинг турли хил таътирларини ҳам кузатишимиз мумкин. Турли хил порнофильлар, ёвузлик, ўлдирш-отиш, хунрезлик урчиған видеотасмалар, ахлоқсизлик урчиған кинолар, яланғочлик ва ҳаёсизлик асосида чоп этилган нашрларни тарқатишга уринишлар, ғарб эстрадасининг ўзга давлатларга ҳам бостириб киришини истаган «глобаллашув тарафдорларининг» асл

муддоиси — маданий емирилишлар асри вужудга келишини жон дили билан истаётганини нафақат зиёлилар, юртимиздаги ҳар бир фуқаро англаб этиши керак.

Глобаллашувнинг яна бир хавфли жиҳати: бугун дунё ягона **ахборот майдони**га айланмоқда. Шу билан бирга хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид солувчи янги, мисли кўрилмаган хавф-хатар, таҳдид пайдо бўлаяпти. Уюшган жиноятчилик, жаҳон терроризми қўлида ахборот хавфли курулға айланмоқда. Ҳозирги кунда, маълумотларга қараганда, ахборот таҳдидини уюштириш устида 120 га яқин давлат «ҳамжихатлик» билан иш олиб бораёпти. Демак, ягона ахборот маконини яратиш, ундан ахборот таҳдиди йўлида фойдаланиш шу даражага етдики, ахборот маконидидаги хуруж ядро полигонларидан кўра хавфлироқ бўлиб қолди. Бугунги кунда 20 га яқин давлатда ядро курули ишлаб чиқариш борасида саъй-ҳаракатлар давом этаётган паллада, ахборот таҳдиди билан 120 га яқин давлатнинг жиддий шуғулланиши, дунёни ядро урушидан кўра, ахборот хуружи талвасага солаётганидан далолат беради.

Узоққа бормаёлик, ташқи сиёсий кучлар сценарийси асосида юртимизда содир этилган Андижон воқеаларидаги хунрезликнинг бузиб талқин этилиши ортида ҳам ўз ҳомийларининг «карнайчи»сига айланган айрим хорижий ОАВ вакиллари турмаганидир? Ёки Грузия, Украинада рангин инкилоблар ҳам глобаллашувнинг бир «тармоғи» саналган ахборот хуружларининг қўйқа оқаваси натижаси эмасми? Мана бизга глобаллашув жараёнининг чиркин мақсадлар йўлида баъзи куларнинг

қўлидаги курулға айлангани исботи.

Глобаллашув ҳодисасини муқаммал ўрганмай туриб, унинг ҳар бир мамлакат ёки миллатга келтирадиган фойда ва зиёнини чуқур англамасдан унинг йўналишини тегишли тарзда ўзгартириб бўлмайди. Глобаллашувдан фойдаланиш стратегияси, тактикаси, технологиясини ишлаб чиқмаслик ҳар қайси мамлакат иқтисоди ва маданияти, маънавиятини боши берк кўчага олиб бориши мумкин.

Маънавиятдан, ўзга халқлар маданиятидан баҳраманд бўлишни ҳар қайсими хоҳлаймиз. Ўзга юрт, миллат, эл-элатлар маданияти билан дунёқарашимизни бойитсак жаҳон тараққиётга юз буришимиз табиий. Умумбашариёт маданият инсоннинг онгу шурурини нурафшон этади. Миллатнинг қарашларига иқобий таъсир қилади. Бироқ вайронкор гоғларнинг бир даста гул ичида ўткир ханжар каби яшириниб туриши глобаллашувнинг салбий жиҳатлари ҳам борлигини эсга солади. Четдан ўтказилаётган мафқуравий таъсир ва таътирлар глобаллашув шабадасини бўронга ва довулга айлантириб юбораётганидан кўз юммаслигимиз керак.

Шу ўринда россиялик олим А.Зиновьевнинг «**Глобаллашув янги жаҳон уруши. У янги тилдаги жаҳон уруши...**» деган таътиди кишини анча сергақ тортиради. Яна бир олим А.Паршев эса: «**Аслида глобаллашувнинг асосий мазмуни бошқа мамлакатларда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг қўшимча қиймати, дунёдаги асосий захираларни ўзлаштиришдан иборатдир...**», дейди.

Очиги, бу каби фарзларнинг

моҳиятида глобаллашув жараёнига қаршилик курултишдан кўра, унинг замиридаги «сиёсий ўйин»ларни фош қилишга нисбатан норизолик ётибди десак тўғри бўлур эди.

Айрим геғемонлик васвасасига тушган давлатларнинг глобаллашув геғсисати негизда «**демократияни фаол илгари суриш принципи**» ётибди. «Универсал ва барчага тааллуқли» демократияни жаҳонга ёйишга уринишлар, бугунги кунда жадаллашиб кетганидан кўз юмолмаймиз. Демак, «демократчи»лар ўз гоғлари ва турмуш тарзини тиқштирмоқчи бўлаяптилар. Нима учун уларнинг айтгани бўлиши керак? Демократия бошқа мамлакат ҳудудига экспорт қилиниши мумкин эмас. Демократия бирор бир товар ҳам эмас! Демократиянинг универсал, барча халқларнинг эҳтиёлларига тўла-тўқис жавоб берадиган ҳаммабоп модели ҳам йўқ. Демократия бошқа жойларда оддийгина ўзлаштириш ёки нусха кўчириш орқали қарор топтирилмайди. Демократия ҳар қандай жамиятнинг табиий ривожланиши асосида шаклландиган ва тақомиллашадиган узлуксиз, тадрижий жараёндир. Давлатимиз раҳбари айтганларидек: «**Демократияни экспорт қилиш ва уни четдан туриб зўравонлик билан жорий қилишнинг ўзи айнан демократия табиатига зид нарса**».

Бу фикр кўп таътирланмоқда. Аммо, «демократия» «даҳо»лари бунинг эшитиб эшитмаганга олмақда. Чунки, гап демократияда эмас...

Кўчқор **НОРҚОБИЛ**

• Тадбир

«Экосан» халқаро ташкилоти, «Ўзбектуризм» Миллий компанияси, Ўзбекистон хусусий сайёҳлик ташкилотлари уюшмаси, «Экосан-Тур» экологик туризм халқаро Маркази ва «Камолот» Ўзбекистон ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ҳамкорлигида пойтахтнинг Бобур номидаги истироҳат боғида «Туризм ва экотуризм барқарор ривожланиш мақсадида» шиори остида экофестиваль бўлиб ўтди.

Бу тадбир шу йил август-сентябрь ойларида вилоятларда ўтказилган экофестиваллар марафонининг якуний бошқичидир.

ЭКОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Экофестивалда 4 мингга яқин тошкентликлар ва шаҳримиз меҳмонлари иштирок этди. Тошкентдаги туристик фирма ва компаниялар, меҳмонхона ва рестороанлар, музейлар ва бошқа ташкилотлар томонидан ташкил қилинган фотозкспозициялар, бадий асарлар намойиш этилди.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад — туризмни ва унинг жаҳон иқтисодиётига қўшаётган ҳиссасини тарғиб қилиш, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини юксак даражага кўтаришдан, мамлакатимизда Муствақиллик йилларида эришилган ютуқларни ҳамда Ўзбекистоннинг сайёҳлик, экосайёҳлик салоҳияти ва имкониятларини тарғиб қилиш, шу асосда, экологик туризмни ривожлантиришдан иборат.

Маълумотларга қараганда,

«Экосан» томонидан экологик туризм соҳасида аҳолига хизмат кўрсатиш ҳажми 2010 йилга бориб 12 мартаба кўпаяди. Дастурнинг бажарилиши қўшимча 1243 иш жойларини ташкил қилиш, қатор ижтимоий-экологик муаммолар ечимини топиш, кишлоқ жойлардаги аҳолини иш билан таъминлаш ва яшаш шароитларини яхшилашга хизмат қилади.

Экофестиваль якунида экомарафон гоғлилари эълон қилинди. Қизиқарли экотуристик йўналишларни ишлаб чиққани учун биринчи ўрин Қорақалпоқiston Республикасига, иккинчи ўрин Наманган вилоятига ва учинчи ўрин Қашқадарё вилоятига берилди. Уларга «Экосан» халқаро ташкилотининг дипломлари топширилди.

Бардамбек
ДАВЛАТМУРОДОВ

«Лаура» ХФ 2006 йил 28 сентябрдан бошлаб «Яши Ният Автомобиль» лаҳзали пул-буком лотереяси билетлари сотуви тўхтатилганлигини маълум қилади.
Барча даъво-этирозлар уч ой ичида қуйидаги манзилда қабул қиланади: **Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шевченко кўчаси, 8-уй.**

ЧФ «Лаура» извещает о том, что с 28 сентября 2006 года прекращена реализация билетов многократной денежно-вещевой лотереи «Яши Ният Автомобиль».
Все претензии принимаются в течение три месяца по адресу: **г.Ташкент, Мирабадский район, ул.Шевченко, 8.**

«РОУТАХ АУКСИОН» ДУХ газетанинг 2006 йил 28 сентябрь сонидида эълонда кўрсатилган «сентябрь» сўзи «октябрь» деб ўқилишини маълум қилади.

НАМАНГАН ВИЛОЯТ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

мамлакатимиздаги барча ўқитувчи ва мураббийларни аънавий касб байрами билан қизгин табриклайди.


Муҳтарам устозлар!

Барпо этилаётган кучли фуқаролик жамиятининг нечоғли мустаҳкам бўлиши асосан Сизларнинг машаққатли меҳнатингиз билан баҳоланади. Шунинг учун ҳам ўрта умумтаълим мактабими, коллеж ёки олий ўқув юртини, Сиз фаолият кўрсатаётган муқаддас даргоҳ ҳамиша эътиборда.

Жонажон Ўзбекистонимизда ёшлар таълим-тарбиясига буюк келажак кафолати, деб қаралаётгани замирида ҳам Сиз зиёлиларга эҳтиром ифодаси бор.

Муаллим, тарбиячи аталмиш шарафли ном соҳиблари ҳар бирингизга таъзим қилиб, бахту омад, узоқ умр тилаймиз.

Мустаҳкам соғлиқ, жаҳоний шодлик ҳамроҳингиз бўлсин!



● Машхурлар ҳақида

ДЎРМОН ҲАНГОМАЛАРИ

ЙЎЛИНИ ТОПИШДИ

Фафур Фулом, Мақсуд Шайхзода ва Саид Аҳмад ёзда Дўрмонга чиқиб, дам олишгаётган экан. Фафур Фулом Саид Аҳмадга бир шиша вино бериб, челака солиб совутиб қўйишни тайинлайди. Саид Аҳмад шишани ярим челака сувга ботириб, ўзи бошқа иш билан андармон бўлади. Бир маҳал Фафур Фулом кўлларини ишқаб, қани ҳалигини олиб кел-чи, дейди. Саид Аҳмад бориб қараса, шишанинг юлқа қолқоғи очилиб, ичига сув тўлиб қолибди. Буни кўрган устознинг роса жаҳли чиқади.

— Э ландовур, лапашанг! Ешлигингда ҳам шунақа лапашанг эдинг. Энди нима қиламиз?

Шу маҳал Шайх ака секин келиб, челакака энгашади.

— Вино неча градус эди ўзи?

— Эсимда йўқ, — дейди «айбдор» бўйинни қисиб.

Шайх ака челакини кўтариб, секин хўллаб кўради.

— Бу ерда камида ўн икки градус бор-ов, бемаалол ичса бўлади.

Учловон ноилоҳ челақдаги чумал насиба билан қаноатланишади.

ХАВФЛИ ҲИЖРОН

Илгариги артистлар томоша кўрсатгани гастрол-сафарга узоқ муддатга чиқишар экан. Муқимий номидаги театр жамоаси шундай сафардалигида бир артист йигит хотинидан хат олибди: «Дадаси, суюнчи беринг, ўғилчамиз юриб қолди!»

Йигит хурсанд бўлиб, Сойиб Хўжаевнинг хузурига ошиқибди.

— Уста, суюнчи беринг, ўғилчамиз катта бўлиб қолибди!

Уста негадир ўзини эшитмаганга олибди.

— Уста, ўғилчам юриб қолибди!

Уста бу гал ҳам индамай, тескари ўгирилибди.

— Устажон, ахир ўғилчам юриб қолибди деялман! Мана, хотиним хат эзиб юборибди!

Шунда уста чидолмай, жаҳл билан хитоб қилибди:

— Бу ерларда яна бирор ой юрсанг, хотининг ҳам юриб кетади!

ЭЛЛИК ЙИЛЛИК «ОШҚОВОҚ»

Кенг китобхонлар ўртасида машхур бўлиб кетган «Шайтанат» асарининг муаллифи, таниқли адиб Тоҳир Малиқнинг чиройли лутфлари, нозик қочиримлари, ажойиб ҳазиллари ҳам ўзига хос, бетакрордир.

Адибнинг китоб ўқишни, жон қойишни ёқтирмайдиган бир танбал мактабдош дўсти бор эди. У хар гал ёзувчи дўстини кўрганда «Китобни кўп ўқиганинг учун ҳам бошинг оғрийдими, мана мен китоб ўқимайман — бошим ҳам оғримайди!» — дея ўзича «маслаҳат» бериб турар, Тоҳир Малиқ эса «Шошмай тур ҳали, сени бир боғлайми...» дея қўлай фурсат кутиб юрар эди. Ниҳоят, шундай фурсат келади.

Бир кунни ўз уйда дўстини сомса билан сиёлаётган ўша мактабдоши гап орасида шундай дейди:

— Ошқовоқ яхшироқ жойда сақланса, бир йилда ҳам айнимас экан.

— Сен бир йиллик ошқовоқни гапиряпсан, мен сенга эллик йиллик ошқовоқни кўрсатишим мумкин, — дейди Тоҳир Малиқ тағдор қилиб.

— Сен фантаст ёзувчисан-да, муболағани ҳам қийворасан, — дейди нимқосани пайқамган мезбон.

— Муболаға эмас, истасанг ҳозироқ кўрсатишим мумкин.

— Майли, кўрсата қол.

— Ана, елкандага турибди!

— Ҳали менинг калам сенга ошқовоқ бўлиб қолдими?

— Китоб ўқимайдиган, бирон-бир ақли, жўяли гап айтмайдиган калланнинг ошқовоқдан нима фарқи бор?!

Шодмон ОТАБЕК

● Журналнинг янги сони

«МУЛОҚОТ» САҲИФАЛАРИДА

«Мулоқот» журналнинг 5-6 сонлари босмадан чиқди. Хали бўёни кўриб улгурмаган ушбу сонда «Миллий ўлиқни англаш саодати» ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Мавжуда Ражабованинг «Конституция — қонунлар пойдевори» мақолалари эълон қилинган. Шунингдек, унда Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган туркум мақолалари ҳам ўқийсиз.

Жумладан, Қарши шаҳар ҳокими Шухрат Турсунов, «Тарихий лаҳзалари бошдан кечираётган» мақоласида қадим шаҳарнинг 2700 йиллиги муносабати билан «Шаҳримизда 400 дан ортиқ иншоотлар бириктириб қўрилиб, фойдаланишга топшириляпти», — дейди. Бу катта кўрсаткич.

Фалсафа фанлари номзоди Саодат Тожиев таъкидлаганидек, Қарши — «Юртбоши меҳридан сайқал топган шаҳар-дир. Президентимиз яқин келажақда Қарши 500 минг аҳоли яшайдиган замонавий шаҳарга айланишни башорат қилганлар.

Қарши давлат университети профессори Поён Равшанов Насафни «Қадимият ва навқиронлик тимсоли» дея таърифлайди. Ўз навбатида журнал саҳифаларида эълон қилинган тарих фанлари докторлари Убайдулла Уватовнинг «Насаф воҳсининг алломалари», Анатолий Саъдуллаевнинг «Тарихий ўчмас номлар», тарих фанлари номзоди Абдусобир Раимқўловнинг «Самандар умрли шаҳар», истеъдодли шoir Носир Муҳаммаднинг «Насафлик фозил эотлар» мақолалари

журналхонлар тасаввурини янги маълумотлар билан бойитиши шубҳасиз.

Ўзбекистон халқ шоири Барот Бойқрибловнинг «Илоҳий дўстлик» мақоласи шoir ва вазиr Алишер Навоий ва Султон Ҳусайн Бойқароларнинг садоқатли дўстлигига бағишланган. Журналист Камолiddин Каримовнинг «Бунёдкорлик қонимизда бор» мақоласида таъкидланганидай, боболаримизнинг илму маърифатидан, юсак маданиятидан дарак бериб турган тарихий обидларимиз аинан мустақиллик туфайли ана шундай қадр топиб, қимматини тиклаган бир пайтда замонавий иншоотлар барпо этишга ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти.

Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ

● Интер-спорт

ТОПАЛОВНИНГ ЭЪТИРОЗИ

Маълумки, шу кунларда Элиста шаҳрида классик шохмат бўйича жаҳон чемпиони, россиялик Владимир Крамник билан ФИДЕ йўналишидаги жаҳон чемпиони, болгариялик Веселин Топалов ўртасида мултак чемпионлик учун қуваш давом этмоқда. Ҳар бир партиядоги донна суришлар узоқ давом этиши табиий. Бундай пайтларда Крамникнинг ўзи учун ажратилган алоҳида хонага боравериши Топаловнинг гашига тегиб, эътироз билдиришига мажбур бўлди. Хусусан, Топаловнинг менежери Силвио Данаилов мусобақа ташкилий қўмитасига расмий хат билан мурожаат қилиб, Крамник ўзига ажратилган хонада видеокамера йўқлигидан фойдаланиб, узоқ муддат қолиб кетмоқда, деган фикрни билдирган. Болгария делегациясининг маълумотларига қараганда, бир партиа мубоайида Крамник 50 марта ўша хонага кириб чиққан. Шунинг учун болгарияликлар бундай хоналардан фойдаланишни ман этиш ва ҳамма учун белгиланган жойларга боришини талаб қилмоқда. Агар ташкилий қўмита бу талабни вақтида бажармаса, Топалов ўйинни тарк этишга мажбур бўларкан.

Бугунгача эса тўрт партиа баҳси бўлиб ўтди. Биринчи ва иккинчи партиядоги Крамникнинг қўли баланд келган эди. Учинчи партиядоги томонлар дурангга имзо чекишган. Тўртинчисида ҳам 54-юришга борганда шохматчилар ўзаро келишиб қўя қолишди. Шундай қилиб, умумий ҳисоб 3:1 бўлиб, Крамник олдинда бориқда. Регламент бўйича шохматчилар жами 12 партиядоги донна сурадилар.

ФИФА ПЕНАЛЬТИГА ҚАРШИ

ФИФА Президенти Зепп Блаттер бундан буюн жаҳон чемпионатлари финал учрашувлари якунида дарвозаларга 11 метрли пенальти тўплари тегишга барҳам бериш лозим, деган фикрни билдирди. Янги қоида 2010 йили Жанубий Африка Республикасида ўтказиладиган жаҳон чемпионатида ҳам қўлланиши мумкин экан.

Маълумки, Германияда яқунланган навбатдаги чемпионатда Италия — Франция терма жамоалари финал учрашувидан кейин голиб пенальти тўплари тегиш билан аниқланган эди. Бундай мисолларни қўлаб келтириш мумкин. Президент фикрича, финал ҳаяжонли, қўшимча ўйин драма, пенальтилар эса фоҳиша тусини оларкан. «Навбатдаги чемпионатга қадар, яна тўрт йил бор, — дейди ФИФА президенти. — Уйлайманки, бу муддатда ўзига хос муаммони ҳал этса бўлади. Балки, финал ўйинида дуранг натижа қайд этилгудек бўлса, учрашувни бошқадан ташкил этиш ёки хар иккала жамоадан футболчиларни қамрайтириб бериш билан ўйинни давом эттириш маъқул келар. Истасангиз, «Олтин тўп» ўйин тақдирини хал қилиши мумкин. Нима бўлганда ҳам, бу муаммони нуфузли гуруҳлар доирасида ҳал қилиб олмасак бўлмайди».

2006 йилнинг 30 октябрь кунини Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани суд ижрочилари бўлини масида соат 14.00 да ўтказилган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:

- ✳ «ГАЗ 53», 1988 й. и/ч;
- ✳ «ЗИЛ 133», 1981 й. и/ч;
- ✳ «МТЗ 80», 1979 й. и/ч;
- ✳ «МТЗ 80», 1989 й. и/ч;
- ✳ «ГАЗ 31029», 1992 й. и/ч;
- ✳ «ГАЗ 53 В», 1977 й. и/ч;
- ✳ «МТЗ 80», 1976 й. и/ч;
- ✳ «КамАЗ 5320», 1983 й. и/ч;
- ✳ «КамАЗ 5511», 1987 й. и/ч;
- ✳ «МТЗ 80», 1983 й. и/ч;
- ✳ «ТТЗ 80», 1999 й. и/ч;
- ✳ «ГАЗ 5204», 1988 й. и/ч;
- ✳ «МТЗ 80», 1977 й. и/ч.

Фўқаролардан аризалар қабул қилиш савдодан 10 кун олдин тўхтатилади.

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш Департаментининг

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ХУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ

олий маълумотли ҳуқуқшунос ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига қарашли Тошкент юридик коллежини тамомлаган, ўрта-махсус ҳуқуқшунос мутахассислигига эга бўлган фўқароларни вилоятдаги туман, шаҳар суд ижрочилари бўлимига суд ижросини лавозимига захирага олинишини маълум қилади.

Мурожаат учун манзил: Қарши шаҳри, Бешкент йўлининг 3-километри. Телефонлар: 8-375 228-01-63, 228-00-26.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти ижроия қўмитаси Тошкент туман партия кенгаши раиси ўринбосари Шухратилла Баходировга онаси

СОҲИБА аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор қилади.

ОЛМАЛИҚ САНОАТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва бошқармаси ходимларини, таълим соҳасида фаолият юритаётган барча ҳамкасбларимизни касб байрами

1 октябрь —

Ўқитувчилар ва мураббийлар кунини

билан чин қалбдан муборакбод этади. Барчамиз учун қадрли бўлган азиз ва меҳрибон устозларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилайди.



Ёшларимиз билимли бўлишлари учун аввало педагогларимиз ўзлари кучли билимга эга бўлишлари шарт. 2006 йил 27 августда бўлиб ўтган ва республика телевиденциеси орқали намойиш этилган «Ўйла, изла, топ!» интеллектуал шоу беллашувида Олмалик саноат касб-ҳунар коллежининг «Олмалик» ўқитувчилар гуруҳи олий ўринга сазовор бўлишди ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан Фахрий ёрлик билан тақдирландилар.

Ана шундай изланувчан, билимли ўқитувчиларимизга ҳамиша омад ва зафарлар ёр бўлсин!


Шофиркон тумани халқ таълими бўлими жамоаси

ўз умрини ёшлар тарбиясига бағишлаган азиз ва олижаноб инсонларни

Ўқитувчилар ва мураббийлар

кунини билан чин юракдан самимий муборакбод этади.

Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш борасида сидқидилдан меҳнат қилаётган шарафли касб эгаларига ҳамиша сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ҳамроҳ бўлишини истайди.



BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIIR HAY'ATI:

- Abdulla ORIPOV
 - Latif G'ULOMOV
 - Asliddin RUSTAMOV
 - Bobir ALIMOV
 - Turobjon JO'RAYEV
 - Feruz NAZIROV
 - Ulug'bek MUSTAFOYEV
 - Baxtiyor DO'SJONOV
 - Farruh HAMROYEV
- (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
- Alimqul SULTONOV
 - (Bosh muharrir o'rinbosari)
 - Nomoz SA'DULLAYEV
 - Akbar JONUZOQOV
 - Muslihidin MUHIDDINOV
 - Olim MURODOV
 - Abdug'ani MAMASODIQOV
 - (Mas'ul kotib)

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO' LIMLAR:

- Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
- Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
- Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
- Parlament va huquq 136-76-21
- Ekologiya va salomatlik 133-44-55
- Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
- Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks) Mas'ul kotib 133-72-83
- Reklama va o'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:

- Andijonda — 25-32-70
- Buxoroda — 222-10-92
- Gulistonda — 25-22-32
- Jizzaxda — 5-49-85
- Navoiyda — 223-83-73
- Namanganda — 6-43-43
- Nukusda — 222-70-15
- Samarqandda — 35-20-54
- Urganchda — 226-51-35
- Farg'onada — 26-43-62
- Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tabiiy ruxsat bilan amalga oshiriladi.

№ — 1150 7474 nusxada bosildi t — Tuzilgan materialu O'zA yakuni — 21.00 Topshirish vaqti — 22.00 1 2 3 5 6 Sofuvda erkin narxda